

66.

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Ўқув – услугий қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Андижон вилояти ҳокимлиги  
З.М.Бобур номли Андижон Давлат университети

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ:**  
**АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР**  
**(Ўқув - услугий қўлланма)**



Андижон - 2003 й.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» маркази  
Андижон вилояти бўлими раҳбари А. Нурматов.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси  
фалсафа кафедраси профессори, социология фанлари доктори А. Холбеков.  
Филология фанлари номзоди, доцент М. Сайдхонов.  
Фалсафа фанлари номзоди, доцент Б. Қ. Охунов.

Ушбу ўқув - услугий қўлланма З. М. Бобур номидаги Андижон Давлат Университети Услубий  
кенгаши томонидан напротив тавсия этилган.

Мазкур қўлланма Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанидан маъруза  
ва амалий машғулотларни олиб боришида фойдаланишга мўлжалланган. Унда, шу фан таркиби  
кирган асосий мавзулар бўйича муҳим бўлган муаммоларни ёритишга ҳаракат қилингаи.

Қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад — миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва  
тамойилларини ўзига хос услубда ёритиб бериш, инсоният тарихида юзага келган турли гояларни  
таснифлаш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш ҳамда миллий истиқлол мағкурасини  
халқимиз, аввало ёшлар онгига, қалбига сингдиришнинг усул ва воситаларини кўрсатиб беришдан  
иборат.

Қўлланма талабаларга ушбу фандан дарс беришида кўргазмалилик усулидан кенроқ  
фойдаланиш имкониятини оширади, деган умиддамиз.

Мазкур қўлланма Олий ва Ўрта маҳсус ўқув юртлари, ўрта мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари,  
талабалар, магистрлар, аспирантлар, докторантлар ҳамда маърифат изловчи кенг китобхонларга  
мўлжалланган.

Муаллиф: Фалсафа фанлари номзоди, доцент  
*Камолиддин Абзолович Юнусов*

*Муқаддас Ватанимиз истиқоли, миллатимиз озодлиги йўлида чет эл босқинчиларига қарши курашган, аммо бутунги миллий мустақиллигимизни кўрмай оламдан ўтган ва шаҳид бўлиб кетган улуғ аждодларимизнинг пок руҳи ва ёрқин хотирасига бағишлайман.*

Муаллиф

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бундай ҳаётни барпо этиш эса ўз-ўзидан, осонликча бўлмайди. Жамият миқёсида халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг миллати, диний эътиқоди, қайси ижтимоий гурӯхга мансублигидан қатъий назар, ягона мақсад йўлида баҳамжиҳат меҳнати, ижтимоий фаоллиги ва уларнинг барчаси учун манфаатли бўлган ғоя атрофида бирлашиб фаолият кўрсатиш орқалигина тинч, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш мумкин.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, - «Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамият аъзоларини, аввало, ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр — садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир. Турли фикрлар ва қарашларни бирлаштирадиган ягона мезон — бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир».

Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу орзулари, мақсад ва интилишлари, бунёдкорликка асосланган қарашлари, менталитетининг мазмун — моҳиятини ифодалайди.

Миллий истиқбол ғоясини халқимиз, аввало ёшлиар онгига, уларнинг қалбига сингдириб бориш ҳозирги даврнинг энг долзарб сиёсий — ижтимоий, маънавий — мафкуравий моҳиятта эга бўлган муҳим масаласидир. Миллий истиқбол ғоясини омма, хусусан ёшлиар онги ва қалбига сингдириб бориш, унинг ишлани механизмининг амал қилиши жамият ижтимоий — сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорлигини таъминловчи энг кучли восита бўлиб хизмат қиласи.

Бу механизмни амал қилиши эса, энг аввало, жамиятимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, ижтимоий гурӯх, қатлам, касб-кор эгаларининг ижтимоий манфаатларини рӯёбга чиқариш билан боғлиқ.

Миллий истиқбол ғояси том маънода фидоййлик ғоясидир. Унинг заминида миллий озодлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши, ватан мустақиллиги, халқимизнинг орзу — интилишлари, шунингдек, ёруғ келажагимиз тўғрисидаги ғоялар мажмуи ётади.

Ўзбекистон Республикасида яшайтган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир киши бугунги кунда «Мен Ватаним равнақи учун нима иш қиласынман?» деган масъулият туйғусини кундалик ҳаёт өхтиёжига айлантириб олмоғи лозим.

Ҳар қандай ғоя ва мағкура жамият миқёсида муайян изчиллик билан омма онгига сингдириб борилса, охир – оқибат давр тақозоси билан күпчилик дунёқарашини эгаллади. Буни тарих тақрор ва тақрор исботлаган. Эзгуликка, умуминсоний ва миңлий қадриятларга, муқаддас ислом динимизга, ўтмиш тарихимизнинг улкан меросини ўзида мужассамлаштирган миллий истиқбол ғояси яқин келажакда миллатимиз, жамиятимиз маънавиятигининг мустаҳкам ва қудратли асосига айланиси муқаррар. Бунинг учун халқимизнинг фидоий кишилари – зиёлилар, илғор фикр намоёндалари ўзларининг беминнат меҳнати билан омма орасида, айниқса, ёшлар ўртасида миллий истиқбол ғоясини кеңг миқёсда тарғиб қилишлари даркор.

Таълим тизимининг барча бўғинларида миллий истиқбол ғоясини фан сифатида ўқитилиши ҳам ўзининг самарасини бериши аниқ. Ёшлар онгигда унинг асосий тушунчаси ва тамойилларини сингдириб бориш, амалий ҳаётда уларни тадбиқ қилиши ҳам мухим аҳамият касб этади. Бу фан таркибиға кирган кўплаб тушунчаларга ҳозирги давр талабларига мос ҳолда аниқлик киритиш, уларни тўғри талқин қилиш ҳам мухимдир. Бунинг учун «Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича янги адабиётларга, ўқув қўлланмаларига өхтиёж туғилаётгани бежиз эмас.

З.М.Бобур номли Андижон Давлат Университети, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент, Камолиддин Юнусов томонидан тайёрланган ушбу ўқув-услубий қўлланмаси «Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш жараёнида зарур бўлган адабиётта бўлган эхтиёжни маълум жиҳатдан қондиради, деган умиддамиз.

Мазкур қўлланма Президентимиз Ислом Каримов томонидан кўрсатиб берилган «Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг асослари, йўналишлари бўйича ёзилган. Қўлланмада Президентимиз илгари сурган ғоялардан унумли фойдаланилган. Ўтмишда яшаб ўтган, халқимиздан етишиб чиққан улуғ мутафаккирларнинг илғор қарашлари, ғоялари ҳам қўлланмада ўз ифодасини топган.

Ушбу қўлланма «Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича мукаммал дарслик яратиш йўлидаги дастлабки, уринишлардан бўлиб, аниқки, камчиликлардан ҳам холи эмас. Бу, табиийдир. Зоро, ҳар қандай янги илмий ижод намунаси замон синовларига дош бера олса, у янада мукаммаллашиб сайқаллашиб бораверади ва қимматини йўқотмайди.

Азизбек СОДИҚОВ - Андижон вилояти ҳокими ўринбосари

## КИРИШ

Ўзбекистон халқи ўзининг буюк келажагини барпо қилиш йўлида оғишмай улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда. Миллий мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб, тарихан қисқа даврда Ўзбекистон асрга татигулик ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти қаторида янги юз йилликка—XXI асрга ва учинчи минг йилликка қадам босди. Янги аср кўпчилик олимлар, давлат арбоблари томонидан турлича номлар билан аталмоқда. XXI асрни «ахборот аси», «юқори технология ва автоматлаштириш аси», «Кибернетика аси» ва шу каби илғор фан ютуқлари билан боғлаб номламоқдалар. Бу фикрларни рад этмаган ҳолда айтмоқчимизки, XXI аср — бу инсон салоҳиятининг, ақлий қобилиятиning чексиз имкониятларини очиш ва янада ошириш аси, бир сўз билан — маънавият аси бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов 1996 йил 24-апрелда Парижда ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида: *«Мен XXI аср маънавият, маърифат аси, илм-фан, маданият ва ахборот аси бўлишига қатъян аминман»*<sup>1</sup> - деб бежиз айтмаган.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг XXI асрдаги ижтимоий тараққиётининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бири сифатида - жамият маънавиятини янада юксалтириш вазифаси қўрсатилди. Бу, бежиз эмас. Чунки маънавий жиҳатдан етук бўлган шахс ҳар қандай давлат мустақиллигининг, барқарорлиги ва боқийлигининг асосий гаровидир.

Ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ўз Ватани, миллати равнақи йўлида ҳалол меҳнат қиласиган, имон-эътиқодли, виждан амри билан яшайдиган шахсни тарбиялаб етиштириш-жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги асосий вазифалардан биридир.

Жамият мавжуд әкан, унда янловчи турли ижтимоий гурухлар, диний эътиқод, миллат ва қасб-кор вакилларининг ўзаро фарқ қилувчи манфаатлари ҳам мавжуд бўлади. Улар ўз манфаатларини амалга ошириш учун онгли равишда ҳаракат қиласиганлар ва фаолият юритадилар. Уларнинг ўзаро фарқ қилувчи манфаатларини ягона байроқ атрофида, ғоя атрофида бирлаштириш эса мамлакат равнақининг гаровидир.

1. И.Л.Каримов, Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й.339-бет.

**Президентимиз кўрсатиб берганидек, «МИЛЛИЙ ҒОЯ, МИЛЛИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРМАЙ, ТАЪЛИМ ТАРБИЯ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, ОДАМЛАРИНИГ ОНГИНИ ЎЗГАРТИРИШ, УЛАРНИ УМУМБАШАРИЙ МАҚСАДЛАР САРИ ЙЎНАЛТИРИШДЕК МУРАККАБ ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ЕЧИШ МУМКИН ЭМАС»!**<sup>1</sup>

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанини таълим тизимининг барча бўғинларида ўқитишининг жорий қилинганилигидан асосий мақсад ҳам шундан иборатдир. Ушбу фанни ўқитишида, миллий истиқлол ғоясини ёшлиар онги ва қалбига сингдириб боришда, албатта, Ватанимиз, миллатимиз равнақини кўзлаган илғор ғоя ва қараашларга таянмоқ жоиз бўлади.

Ундаги кўплаб тушунчаларга ойдинлик киритиш, ҳозирги давр талаби даражасида таъриф бериш ўта муҳим масаладир. Чунки айрим тушунчаларга эски, шўролар тузумида ҳукмонлик қилган, моддциончилик ва даххрийлик ғояларига асосланган коммунистик мафкура нуқтаи назаридан қараашлар ҳанузгача, айрим ҳолларда кишилар онгига сақланиб қолган. Уларни бартараф этиш эса миллий истиқлол ғоясига, миллий истиқлол мафкурасига асосланган янгича тафаккурни шакллантириш орқали амалга оширилади.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган мазкур ўқув—услубий қўлланма айнан мана шу мақсадни ўзида мужассамлаштирган.

Миллий истиқлол ғояси ва миллий истиқлол мафкурасининг асосий тушунча ва тамойиллари, қўлланмада Президентимиз Ислом Каримов асарларида илгари сурилган ғояларга таянган ҳолда ва улар асосида тушунишиб берилган.

1. И.А.Каримов, Ҳуниёрликка даъват. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари. Тошкент. "Ўзбекистон" нашриёти, 1999 йил.

## *Бириңчи қисм. Миллий фоя ва мағкуралар тарихидан.*

### *Фоя ва мағкура түшүнчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни*

#### **Фоя**

**Иисон тафаккури маҳсали бўлиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун нарса ва ҳодисалар тўғрисида илгари сурилган изчил фикрлар шакли**

Муайян бир фоя дастлаб бирон-бир шахснинг онцида пайдо бўлади. Агар у юксак ижтимоий мазмунга, бой маънавий асосга эга бўлиб, инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган бўлса воқелинка айланади.

#### **Характерига кўра**

Жамият хаёти тўғрисида, унинг турли соҳалари (иқтисодий, сиёсий, хукуқий, маънавий) га таалтуқли, муайян тарзда изчиликка эга бўлган янги фикрларнинг илгари сурилишини ўзида ифодалайди.

Жамият сиёсий хаётига тааллуқли муайян сиёсий мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган ва манфаатларни ўзида ифодалаган қарашлар, фикрлар.

Табиат, жамият ва инсон тўғрисида, оламнинг нарса ва ҳодисалари тўғрисида яратилган муайян фикрларнинг илгари сурилиши.

#### **Асосий турлари**

##### **Ижтимоий фоялар**

##### **Сиёсий фоялар**

##### **Илмий фоялар**

##### **Бунёдкор фоялар**

##### **Бузғунчи фоялар**

#### **Мазмун-моҳиятига кўра**

Умуминсоний қадриятларга асосланган, юксак ижтимоий мазмунга, бой маънавий асосга ва демократик тамойилларга эга бўлган, инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган, жамият ва миллат равнағига хизмат қилувчи фоялардан иборат.

Умуминсоний қадриятларга зид келувчи, жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, инсоният, миллат, халқ ва инсон бошига кулфат келтирувчи ва ҳалокатга элтувчи фоялардан иборат.

## Мафкура

Мафкура – (арабча сўз бўлиб, нуқтаи назарлар, эътиқодлар тизими, мажмуи маъносини англатади) – жамият, унинг тузилиши, ривожланиши ўзида ифодалаган, ижтимоий фаолият дастури ва мақсадига эга бўлган сиёсий – ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар ва ғоялар тизимиdir.

Мафкура ижтимоий борлиқнинг яъни, кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий сиёсий инъикосидир. Унинг шахс оғигда акс этиши ва шахс томонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши (масалан, миллий мафкуранинг) билан жамият ҳаётида руҳий таянч бўлиб хизмат қиласди. Чунки мафкура жамият ҳаётида инсон онги орқали унинг амалий ҳатти-ҳаракатига таъсир кўрсатади.

### Характерига кўра

У ёки бу ижтимоий гурӯҳ, миллият, жамият аъзолари манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи муайян сиёсий фаолият стратегиясига эга бўлган, тизимланган ғоялар, қарашлар бирлиги.

Олам, табиат, жамият ва инсон моҳиятини илоҳий асосда тушуни-тирувчи, диний дунёқарашни, эътиқодни, туйгуни, анъана ва маросимларни ўзида мужассамлаштирган, тизимланган ғоялар мажмуи,

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқарани ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу ҳаљ, шу миллатнинг келакаганини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўринини аниқ равишан белгилаб беринига хизмат қиласидиган, кечаги ва ортаги кун ўртасида ўзига хос кўнрик бўлиншга қодир гонги мени жамият мафкураси деб биламан».

Ислом Каримов.

### Асосий турлари

#### Сиёсий мафкура

#### Диний мафкура

#### Миллий мафкура

#### Прогрессив мафкура

#### Реакцион мафкура

### Мазмун-моҳиятига кўра

Умумисоний қадриятларга асосланган, юксак маънавий асосга ва демократик тамойилларга эга бўлган, кишиларнинг эзгу мақсад ва манфаатларини ўзида мужассамлаштирган, жамият равнацияга хизмат қилувчи сиёсий, ахлоқий, диний фалсафий, илмий мазмунга эга бўлган мафкуралар.

Умумисоний қадриятларга зид келувчи, инсон, муайян ижтимоий гурӯҳ ва миллият ҳақ-ҳуқуқларини ноймол қилувчи, демократик тамойилларга асосланмаган ҳар қандай ғоя ва қараниларни ўзида ифодалаган мафкура.

## Сиёсий мафкура

У ёки бу ижтимоий турлар, миллат ва жамият аъзолари манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи, муайян сиёсий фаолият стратегиясига эга бўлган, тизимлашган ғоялар, қарашлар бирлиги.

Прогрессив моҳиятга эга бўлган сиёсий мафкуралар жамиятнинг, ижтимоий турлар, ёки миллатнинг манфаатларини назарий жиҳатдан асослаб, ижтимоий сиёсий ҳаракатларга аниқлик киритади ва ижтимоий кучларни рўёбга чиқаришга сафарбар қиласди.

### Асосий турлари

Ижобий моҳиятга эга бўлган

Салбий моҳиятга эга бўлган

Либерал

Фашистик

Консерватив

Коммунистик

Миллий истиқлол  
мафкураси

Шовинистик

Экологик-сиёсий  
мафкура

Анархистик

Диний – сиёсий мафкуралар

## Ижобий моҳиятга эга бўлган сиёсий мафкуралар

### Либерал мафкура

Либерал лотинча «эркин» деган маънини англатади. Бу мафкура умумисоний қадриятларга асосланган бўлиб, жамият аъзоларишининг табиий, ижтимоий келиб чиқини ва мавқеидан, диний ётиқодидан қатъий назар барчанинг қонун олдида тенглиги, эркинлиги тоясини илгари суради. Унга кўра, хуқуқий демократик давлат тузумигина ҳар бир фуқаро мағфаатларини химоя қила олади. Farb либерал мафкурасида жамият ва давлат мағфаатларига зид бўлмаган шахе мағфаатлари биринчи ўринга кўйилади.

### Консерватив мафкура

Консерватив (лотинча «сақлаш» деган маънини англатади) мафкура – ҳар бир миллатнинг азалдан сақланиб келаётган айъана ва қадриятларига, урф одатларига, қарашларга асосланган. Унда шахе мағфаатларидан кўра кўпроқ умумжамоа, миллат ва жамият мағфаатларига эътибор қаратилган. Бу мафкура ижтимоий тартиб қоидаларни, ахлоқий қадриятларни авайлаб аераш, оиласвий урф одатларни сақлаш ва уларни келажак авлодларга бус бутун стказиш тоясини илгари суради.

### Диний - сиёсий мафкура

Жамият, миллат ва давлатни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожланишини диний ахлоқий қадриятлар асосида олиб борини тоясини илгари сурувчи мафкуралар (М: «Христиан демократик», «Ислом тараққиёт йўли» каби)

### Миллий истиқбол мафкураси

Миллат ва миллий давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўзгаларга тобеъ бўлмай, эркин ва озод бўлиши, ўзини-ўзи идора этишига қаратилган, уларнинг истиқболини белгилайдиган аниқ дастурий асосга эга бўлиб, миллат орзу-умидлари, қарашлари, тояларини ўзида ифодалайди ва илгари суради.

«Жамиятимиз мафкураси ҳалиқни - ҳалиқ, миллатни - миллат қилишга хизмат қилсан». *Ислом Каримов.*

### Экологик-сиёсий мафкура

Ер юзи аҳолиси - кишилар, ҳалқлар, давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилини, асраб авайлаш, экологик онг, маданият ва тафаккурни юксалтириш тоясини илгари суради.

XX асрда ер юзида инсон фаолияти туфайли экологик хавф-хатар кучайди. Инсониятнинг бундан бўён яшиаб қолинишлиги учун табиатни асраб авайланни мақсадида бир қанча ҳалқаро экологик ташкилотлар ва ҳаракатлар фаолият кўрсатмоқда (ЭКОСАН, Грин Писс («янишлар ҳаракати»), «Ўсимлик ва жониворларни химоя қилиш ҳалқаро жамияти» ва бошқалар).

## Салбай моҳиятга эга бўлган сиёсий мафкуралар

### Фашистик мафкура

Фашизм (италиянича «бирланима» деган маънioni англатади) зўравонликка асосланган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини муайян миллат, ижтимоий гуруҳ маифаатларига зўрлик, куч ишлатиш орқали бўйсундиришга итилади. Унинг асосий гояси миллий тенгиззлик, тоталитар давлат сиёсий бошқаруви ва тартибини жорий қилишдан иборат.

Фашизм дастлаб XX асрнинг 20-30 йилларида Италияда, Германияда тарқалди ва давлат мафкураси дарајасига кўтарилиди. II жаҳон урушини келтириб чиқарди. Ҳозирда, бир қатор Европа ва Америка мамлакатларида неофашистик («нео», юнонча «янги» маъносини англатади) қарашлар, сиёсий ҳаракатлар мавжуд.

### Коммунистик мафкура

Сиёсий мафкура шакли сифатида XIX асрнинг 2-ярмида Европада шаклланиб, 73 йил давомида Шўролар даврида давлат мафкураси сифатида амал қилди. Бу мафкура умумисоний ва демократик тамойилларга зид бўлган, синфийликка ва йўқсиллар синфиининг зўравонлигига асосланган тоталитар тузум гоясини ўзида ифодалаган ҳамда илгари сурган.

### Шовинистик мафкура

Муайян шахс, миллат ва давлатни бошқалардан устун қўядиган, уни мутлақлаштирадиган мафкурадир.

Шовинизм – XIX аср бошларида Францияда император Наполеон шахсига сиғинини бошлаб берган унинг офицери Н. Шовен номи билан боғлиқ.

Шовинизм – сиёсий мафкура шакли сифатида миллий аддат, бошқа миллатларга, давлатларга писбатан нафрат, камситиш гоясини илгари суради. Унинг «улугъ миллатчилик шовинизми», «Улугъ хукмдорлик шовинизми» каби кўринишлари мавжуд.

### Анархистик мафкура

Хокимиятсизлик, ҳар қандай давлат тузилишини, қонунчиликни инкор қилиб, шахсни сиёсий, иқтисодий ва маънавий тартиб-қоида, нормалардан озод қилиш гоясини илгари суради.

Анархизм – сиёсий мафкура шакли сифатида XIX асрнинг ўрталарида Европада шаклланиб, XX аср бошларида бир қатор давлатлarda тарқалди. Ўзининг изчил сиёсий – маънавий дастурига ва асосига эга бўлмаганилиги сабабли, ҳозирга келиб анархистик гоялар сиёсий мафкура сифатида ўз мавқенини йўқотган.

### Диний – сиёсий мафкура

Жамият, миллат ва давлат ҳаётини фақат диний ақидалардан келиб чиқиб бошқарини зарурлигини илгари сурувчи мафкуралар. Улар ҳар қандай дунёвий, демократик тамойилларни, миллий қадриятларни тан олмасликка асосланган реакцион мафкуралардир (Ваҳҳобийлик, Ҳизбут – таҳрир кабилар).

*“Инсонийлик моҳияти ҳақиқий баҳт – саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча ймкониятлардан фойдаланса, у баҳт – саодатга эришади”.*

ЛБУ НАСР ФОРОБИЙ. Фозил одамлар шахри

## Миллий ғоя

Миллат тафаккури маҳсули бўлиб, миллат равнаси йўлида унинг оразумидларини, эзгу мақсадларини рӯёбга чиқаришга қаратилган, унинг тубманфаатларини ўзида мужассамлаштирган илор фикрлар мажмуицир

«Миллий ғоя халқининг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади».

*Ислом Каримов.*

“Эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол тоғтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур”.

*Ислом Каримов.*

Миллий ғояни илгари суришдан мақсад: “Эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, ... озод, ўз ҳақ - хуқуқларини яхши танийдиган, бокимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбияландан иборатдир”.

*Ислом Каримов.*

“Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат кўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишилаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишинга ишонаман”.

*Ислом Каримов.*

“Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир”.  
*Ислом Каримов.*

## Миллий мафкура

Миллатнинг мавжудлиги ва тараққиётини таъминлашга йўналтирилган қонвий қарашлар тиамини анилатиб, миллатнинг ўзиги хос кусусиллари, урғодатлари, характерини ўзида мужассамлаштиради.

“Жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим”.

*Ислом Каримов.*

Миллий мафкура – миллатни, миллий давлатни юксак ижтимоий тараққиёт йўлига бошлайдиган, унинг йўналишларини ўзида ифодалаган, Ватанинг эркин ва озод равнақ топишини таъминлашга қаратилган ғоялардан иборат. Шунингдек, миллий мафкурамиз – ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад, манфаатларини ифодалаган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиласидиган ғоялар тизимиdir.

Миллий мафкура миллий ғоя асосида таркиб топади. Чунки, жамият, миллатнинг яшашни учун муайян бир ғоя унинг аъзолари, ҳар бир вакили онгини эгаллани ва уларни шу ғоя атрофида бирлаштириши зарур.

## МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

### АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ (ВАЗИФАЛАРИ)

Дунёқарашиблик

Қадриятли

Тарбиявий

Бирлаштирувчилик  
ва уюштирувчилик

Ташкиллаштириш  
ва сафарбар қилиш

Шахс, миллат манфаати ва  
мақсадини ҳимоя қилиш

Миллий мустақиллик асосларини мустаҳкамлаш ва  
ғоявий жиҳатдан таъминлаш

## *Миллий мафкурунинг асосий функциялари (вазифалари)*

**1. Дунёқарашиблик функцияси.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётгани фуқаролар оигида, уларниң қайси миллат, ижтимоий гурӯҳ ёки дин вакили бўлишидан қатъий назар, давлатимизни ҳар жиҳатдан мустақил, барча миллатлар ва давлатлар қаторида тенг ҳуқуқли эканлиги тушиучасини шакллантиради. Нафақат ўзбек миллатининг, балки Ўзбекистонда яшаётгани барча миллатлар, ҳалқлар вакилларини, турли ижтимоий гурӯҳлар вакили бўлишидан қатъий назар, уларниң шу Ватанга чексиз хурматини, садоқатини ва ватанпарварлигини оширади, уларниң қалбида, дунёқарашибида шундай туйғуларни мустаҳкам ўрин олинига хизмат қиласди.

Ҳали хам шўро тузуми мафкураси таъсирида дунёқарашиби қотиб қолган кишилар орамизда йўқ эмас. Ўзга миллатга тобелик ҳисси бундай кишиларниң ўз шахсий манфаатларини, ҳузур ҳаловатларини миллат манфаатларидан устун қўйиши асосида юзага келтирилган. Оз-моз имтиёзларга эга бўлиш уларниң миллий ғурурини, ифтихорини яксон бўлишига кифоя қилган. Бундай қусурларни йўқотишда миллий мафкурунинг дунёқарашиблик функцияси муҳим аҳамият касб этади. Бу функция Ўзбекистон фуқароларида дунёвий ва диний дунёқарашиби ўзаро уйғуни ҳолда тасаввур қилишини, мустақиллик дунёқарашибини, давлат, миллат ишига фидоийликни, унга садоқатли бўлишини, Ватанини севини, миллатиарварлик ғояларини сингдириши каби юксак туйғуларни шакллантиришини кўзда тутади.

**2. Қадриятли функцияси.** Миллий мафкурунинг қадриятли функцияси ижтимоий воқеиликни ажс эттирибгини қолмай, балки уни баҳолайди ҳам. Бир бутун қадриятлар тизими орқали миллий мафкура жамият ҳаётига таъсир кўрсатади. Бу жиҳатдан ўзбек ҳалқи ўзинийнг бой миллий урф-одатлари, қадриятлари бошқа миллат ва ҳалқларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятларига эгадир. Уларни ҳар жиҳатдан кенг ривожлантириб борини миллий мафкуруни қадриятли функциясининг жамият маънавий ҳаётида салмоқли амал қилишини таъминлайди.

**3. Тарбиявий функцияси.** Миллий мафкуранинг тарбиявий функцияси нафақат маънавий муносабатларда, балки киниларниң көнг ижтимоий фаолигити доирасида амал қиласди. У, шахс, миллатининг илмий дунёқарашини шакллантиришга, ватаншарварлик ғояларининг, хис-туйғуларининг омма онгида, қалбида сиптишига, миллатшарварлик рухининг кучаовига олиб келади.

**4. Шахс, миллат манфаати, интилишлари ва мақсадини ҳимоя қилиш функцияси.** Миллий мафкуранинг бу функцияси энг аввало ўзбек миллатининг, Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган барча киниларниң, уларниң қайси ижтимоий гурӯхга, диший эътиқодга ва миллатта мансуб бўлишидан қатъи назар ягона мақсадга - мустақил, эркин ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришдек буюк мақсад учун курашта, интицинига йўллайди. Бу функциянинг амал қилиши ҳозирда жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятга эгадид. Миллий мафкуранинг ушбу функциясининг қай даражада амал қилини, ўз павбатида, миллий мафкуранинг жамият миқёсида шаклланнини таъминлашга ҳам хизмат қиласди. Бу функция нафақат мамлакат ичидаги, балки ҳалқаро миқёсда ҳам давлатимизниң обрў-эътиборини ортиб боришига таъсир кўрсатади.

**5. Миллий мустақиллик асосларини мустаҳкамлаш ва ғоявий жиҳатдан таъминлаш функцияси. (Мафкуравий иммунитет).** Миллий мафкуранинг бу функцияси Ўзбекистонда яшайдиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замини билан боғлаган ҳар бир кини қалбида "Мен Ватаним равнағи учун нима иш қилянман?", деган матбулият туйғусини шакллантириши ва ошириб бориш орқали мамлакатимизниң миллий мустақиллик асосларини мустаҳкамлаш ва ғоявий жиҳатдан таъминлашга хизмат қиласди.

Миллий мафкурамиз ўз моҳиятига кўра, давлатимизниң сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий асосларини мустаҳкамлашга ва ғоявий жиҳатдан таъминлашга йўналган. Ўзининг инсоншарварлик тамоийлари орқали киниларда Ватанга муҳаббат туйғуси, ўз она тилига муҳаббат, оила, аёлиниң муқаддаслиги каби юксак ғоявий эътиқодни янада мустаҳкамланнинига таъсир кўрсатади. Ёнлар онгини ёт мафкуралар эгаллаб олинига йўл қўймайди ва үларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қиласди.

**6. Бирлаштирувчилик ва уюштирувчилик функцияси.** Миллий мафкура ғоялари жамиятни, миллатни жинслаштиришига, йўналтирилган бўлиб, ўзида кўн қиррали сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, миллий ва бошқа манфаатларни ифодалайди ҳамда уларни умумдавлат, миллат мақсадлари йўлида ягона ижтимоий – маънавий оқимга бирлаштиради. Аҳолининг барча қатламларида давлатининг амалдаги қонун-қоидаларини ўтироф этишига, қадриятларини хурмат қилини ҳиссени шакллантиради. Миллий жинслик ўзаро биродарлик ҳиссени янада оширади. Айниқса ёиларда ватанинварварлик ҳиссени шакллантиришига хизмат қиласди.

“Миллий мафкура воситасида элу торт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишига қодир бўлади. Миллатининг, халқининг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётининг гаровидир”. *Ислом Каримов.*

**7. Ташкиллаштириш ва сафарбар қилиш функцияси.** Миллий мафкура жамиятимиз аъзолари, энг аввало, ёилар, оддий шенон оиги ва қалбидан чуқур ўрини эгаллаб борган сари, уларни олий мақсадимиз - ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятни барно қилинадек буюк инга сафарбар қилиши кўлами кенгайиб боради.

Миллий ғоя кишилар оиги ва қалбидан қанчалик чуқур жой эгаллаб борган сари, Ватан шинки билан ёнган шахе маънавиятини камол тоғтириши имконияти ортиб боради. Қисқаси, Ватанимизда истиқомат қилаётган каттаю кичик, ёну қари, оддий инсондан тортиб то мансабдор шахегача - барчани ягона мақсад сари сафарбар қилиш вазифасини бажаради. Бу тажриба ҳозирда юкеак тараққиёт даражасига эришган АҚШ, Германия, Франция, Швеция, Япония, Жапонубий Корея каби мамлакатларининг яқин тарихида синовдан муваффақиятли ўтганлиги фикримизга далил бўла олади.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 1.

Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.

## Қадимги дунё бунёдкор ғоялари

Тарихий давр  
ва миңтақалар

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг  
ўзига хос характерли хусусиятлари

Қадимги  
Шарқ  
бунёдкор  
ғоялари ва  
таълимотлари  
(Ҳиндистон,  
Хитой,  
Марказий  
Осиё)

Буддизм,  
Брахманлик

Хар қандай моддий бойликдан ва зўравонлиқдан воз кечиб,  
одамларни бу дунёдаги азоб ва зулмдан ҳолос этиш ғояси  
илгари сурилган. Бу ғоя асосида 4 та ҳақиқат ётади: азоб  
уқубатнинг мавжудлиги, унинг сабаби борлиги, уларни  
бартараф этиш мумкинлиги ва бунинг йўли, иложи борлиги.

Зардуштийлик  
(Зардўшт)

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да эзгу тангри-  
Ахур Мазда билан инсоният душмани Ахриман ўртасида азалдан  
кураш боради. Эзгулик билан ёвузлик, бунёдкорлик билан  
вайронгарчилик ўртасидаги кураш тимсоли сифатидаги бу  
олишувнинг пировардида эзгулик ятни бунёдкорлик ғалаба  
қиласди.

Конфуций,  
Даосизм (Лао-цзы)  
Мо-цзы

Конфуцийнинг (эр. ав. 551-479 й.) ижтимоий-ахлоқий  
ғоялари «Лунь Юй» асарида ўз ифодасини топган. Унда инсонни  
қадрлаш, севиш, ҳар нарсадан улуг билиш, ота-онага, устозга  
нисбатан чекисиз ҳурмат билан қараш каби ғоялар илгари  
сурилган.

Даосизм (Лао-цзы эр. авв. VI-V асрлар) ғоялари Дао  
қонуниларига асосланган бўлиб, улар оламнинг универсал ва  
ўзгармас қонунилариdir. Кимда ким уни бузса ҳалокатга дучор  
бўлади. Бу таълимотнинг асосий ғояси: инсон фаолиятини  
бошқара билишлик ва соддаликни буюк ҳикмат сифатида юксак  
қадрлайди.

Мо-цзы(эр. авв. 479-400) таълимотининг асосий ғояси: Оддий  
халқнинг чин ва азалий мақсад муддаоси-тинчлик осойишталик  
ва мағфаатдорлик бўлиб, ҳар қандай хавф-хатардан ва  
қашноқликдан эса йироқ бўлиши истагини амалга оширишдан  
иборат бўлган.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 2

Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.

## Қадимги дунё бунёдкор ғоялари

Тарихий давр  
ва минтақалар

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг  
ўзига хос характерли хусусиятлари

Қадимги  
Юнон ва  
Рум бунёдкор  
ғоялари ва  
таълимотлари

Гомер, Гесиод,  
Демокрит  
(эр. авв. VI-V аср.)

Афлотун  
(эр.авв. 427-347 й.)

Арасту  
(эр.авв. 384—322 й.)

Сенека  
(эр.авв. 465 й.)  
Неоплатонизм (Илотин,  
Порфирий, Прокл)  
(эр.авв. IV-III аср.).

Инсон ҳаётининг мақсади — ўз ҳаёти давомида баҳтга  
эришмоқ, ҳаётий эҳтиёжларини оқиллик билан қондириб  
борищдан иборат, — деб ҳисоблаганлар. Инсонни жисмоний куч  
ёки пул эмас, балки тұғрилик, донишманлыйк тұла баҳтли қила  
олади. Бундай баҳтта таълим ва тарбия орқали эришилади.

Афлотун ўзининг «Давлат» номли асарида идеал давлат —  
хуқуқий тамойиллар тұла амал қыладыган жамият тұғрисидаги  
ғояларни илгари сурган. Бундай давлат қурилишининг олий-  
бош тамойили — ижтимоий адолат бүлмоги лозим, — деб  
ҳисоблаган. Идеал давлатнинг бош мақсади фаровон ҳаётни  
таъминлашдан иборат, - деб билган.

«Сиёсат» номли асарида жамият ҳаётининг сиёсий,  
иқтисодий ва ахлоқий муаммолари тұғрисидаги ғояларни  
баён қылган. Үнда — демократик түзүм, озод фуқаро  
тұғрисидаги ғояларни илгари сурган. Бундай жамиятта —  
хар бир фуқаро ўз орзу-мақсадига эришмоғи лозим. Құллік  
эса бундай имкониятдан маҳрум этади, деб барча кипшилар  
тенг хуқуқи бүлиши ғоясина илгари сурган. Ўз даврида  
тенг хуқуқлилік ва озодлікка әришиш йұлларини күрсатиб  
берган.

Баҳтли ҳаётта эришиш учун инсон ўз ақылзаковоти  
билип иш күриши, табиат ва жамият қонуналарига амал  
қылған ҳолда яшашы лозим. Ҳамма ҳикмат-шундадыр.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор гоялар тарихи № 3

## Инсоният тарихи гоялар тарихидир.

### Үрта аср бунёдкор гоялари

Тарихий давр  
ва мінтақалар

Асосий оқымлар ва  
етук мұтафаккирлар

Бунёдкор гоялар ва таълимотларнинг  
ўзига хос характерли хусусиятлари

Үрта аср  
Шарқ  
бунёдкор  
гоялари ва  
таълимотлари

Ислом диний таълимоти  
*«Қуръон ва Пайғамбар  
Мұхаммад  
алайҳиссаломнинг  
ҳадислари»*

Ал-Хоразмий  
(783-850 й.)

Ал-Фарғоний  
(IX аср -861 й.  
вафот этган)

Ислом диний таълимотининг пайдо бўлиши инсоният тарихида, унинг маънавий оламида жиддий бурилиш ясади. Унда инсонни комилликка интилишидаги барча маънавий ва маддий омиллар қўрсатиб берилган. Бу таълимот табиат, жамият ва инсон ҳаётига тажовуз қилувчи ҳар қандай зўравонлик, жабр-зулм, залолатни кескин қоралайди. Илм-матрифат эса эъзозланади.

Табиий – илмий фанлар бўйича қарашлари, гоялари, қашfiётлari инсоният тарихида, табиий – илмий билимлар ривожида муҳим роль ўйнади. Хоразмий математик таълимотини ифодаловчи фан йўналиши ал-Хоразмий ёки алгоритм номини олди.

Табиатшунослик фанлари ривожида унинг қарашлари, гоялари қашfiётлari XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган ва бутун Европага тарқалган. Ал-Фарғонийнинг табиий-илмий фанлар бўйича гоялари кейинчалик ўрта аср Европасида Уйғонини даврининг бошланишига муҳим таъсир қўрсатган.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 4

Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.

## Ўрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Имом ал-Бухорий  
(809-869)

Абу Наср Фаробий  
(873-950)

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларниң ўзига хос характерли  
хусусиятлари

Имом ал-Бухорийнинг шоҳ асари «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» бўлиб, ундан ташқари яна 20 га яқин асарлар ёзиб қолдирган. «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарида ҳадис илмининг энг зўр дурдоналари жамланган. Улуғ мутафаккир ўз асарларида инсонпарварлик, меҳр-шафқат, ахлоқ-одоб, ҳамкорлик, садоқат, покликка даъват қилувчи ғояларни илгари сурган. Олимниң «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китоби ислом оламида ҳадис илмининг кенг ёйилишида жуда катта рол ўйнади ва эътибор жиҳатидан «Қуръони Карим» дан сўнг иккита китоб сифатида қаралди.

Абу Наср Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шахри» китобида фозиллар, яъни идеал давлат кишиларининг хислатларини, унга имомлик қилувчи 12 та хислат-фазилатни ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарурлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, фозиллар шаҳрининг зидди - жоҳиллар шаҳрининг қандайлигини ва унинг 9 та турини тавсифлаган.

Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан 12 хислат-фазилатни ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарур.

1. Тўрт мучали соғ-саломат бўлиб, ўзига юқланган вазифаларни осон бажариши лозим.
2. Нозик фаросатли бўлиши зарур.
3. Кучли хотирага эга бўлиши, англаган, билганинги тўла-тўқис эсида сақлаши лозим.
4. Зеҳни ўтқир, зукко бўлиши лозим.
5. Ўз фикрини равшан ифодалай олиши зарур.
6. Таълим олишга, билим, матрифатга ҳавасли бўлиши керак.
7. Таом ейишда, ичимликда, аёлларга очофтат бўлмаслиги зарур.
8. Ҳақиқатни севадиган, ёлғонни ёмон кўрадиган бўлиши зарур.
9. Номус-ориятли, олийхўммат бўлиши зарур.
10. Мол-дунёга қизиқмайдиган, унинг кетидан кувмайдиган бўлиши зарур.
11. Адолатпарвар бўлиши, зулмни, золимларни ёмон кўрувчи, одил бўлиши зарур.
12. Қатъиятли, саботли, жасур бўлиши зарур.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 5

Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.

## Ўрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Абу Райхон Беруний  
(973-1048 й)

Абу Али ибн Сино  
(980-1037 й)

### Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг ўзига хос характерли хусусиятлари

Беруний яратган 152 асардан фақат 28 тасигина бизгача етиб келган. Улуғ мутафаккир ўзининг «Қадимги ҳалқлардан қолгаи ёдгорликлар», «Минералогия», «Хиндистон» каби асарларида инсонининг срдаги бурчи, олижаноблиги, шунингдек, жамият ҳаёти, ижтимоий адолат түғрисидаги ғояларни илгари сурган. Жамиятни демократик асосда бошқариш иихоятда адолатли ва ҳалқчил эканлигини таъкидлайди. Беруний: давлатни «идора қилиш ва бошқаришининг моҳиятги азиат чекканиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборатдир» - дейди.

Беруний ҳалқлар ўртасидаги дўстликни улуғлаб, бу дўстликка раҳна солувчи миллий ва иркӣ чекланишларни таниқид қиласди. Улуғ мутафаккир кишиларга баҳо берганда, албатта, унинг билимини, дуиёқарашини асосий мезон қилиб олади. Бироқ маърифатда ўзини бошқалардан ортиқ деб билган, кеккайган, қалби иопок, баҳил кишиларни қаттиқ қоралаган. Беруний саводсизликни кипининг энг ёмон ва биринчи душмани деб билган. Унинг фикрича, барча ижтимоий иллатлар ва тенгисизликларнинг остида илмизлик ётади. Улуғ олимнинг сўзлари билан айтганда, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Беруний инсондаги яхшилик, ростгўйлик, олижаноблик, мурувват, меҳр-шафқат, дўстлик ва жамоатчилик каби фазилатларни улуғлайди. Шу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ҳар бир инсон ҳар нарсага қодирлигини, ўз эли ва юрти учун бекиёс даражада наф келтириши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Абу Али ибн Сино жамият ҳаётини равнақ топишига қаратилиган ғояларини ўзининг «Ишорат ва танбихот», «Рисолату тадбири манзил» каби асарларида баён қиласган. Ибн Сино 450 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Шулардан бизгача 100 га яқини етиб келган.

Ибн Сино ўзининг «Рисолату тадбири манзил» асарида жамият аъзоларининг ўзаро муносабатлари ва унда адолат қоидалари амал қилиши зарурлигини кўрсатиб берган. Давлатни бошқаришда адолатсизликка йўл қўймаслик иихоят даражада муҳим эканлигини таъкидлайди.

Ибн Сино мардлик, инсонпарварлик, ҳалол-поклик, меҳнатсеварликни тарғиб қилиб, мунофиқлик, сергаплик, ёлғончилик, ишёқмаслик, риёкор кишиларнинг икки юзламачиликларини корайлайди. Ўз асарларида кишиларни илм-фанни ўрганишига, каеб ҳунар эгаллашига даъват этади.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 6

## Инсоният тарихи ғоялар тарихидир

### Үрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг ўзига хос характерли  
хусусиятлари

Юсуф Хос Ҳожиб  
(XI аср)

Ўзининг инсоншарварлик ғояларини туркй тилда битилган «Құтадғу билик» («Бахтта әлтүвчи билим») достонида баён қылған. Асар 1069 йилда ёзилған бўлиб, унда ахлоқий-инсониарнилк ғоялари, давлатнинг мураббийлик вазифасини бажариши тўғрисидаги қарашлар илгари сурилған. Улуг, мутафаккир инсон фақат жамоада, бошиқа кишилар билан мулоқотда ва ўзаро аҳил муносабатларда, жамиятга фойда келтирувчи меҳнатдагина чинакам камолотга етишади, - деган ғояни илгари сурган.

«Инсонга фойда келтирмайдиган инсон-ўлийдир», - деб таъкидлайди. Олим, чин инсонийлик деганда олижаноб фазилатларга эга ахлоқий баркамолликни назарда туттган. Буюк мутафаккир ўз асарида шундай деб ёзди: «Кимнинг одоби яхши ва ахлоқ тўғри бўлса, у кипи мақсадига стади ва баҳт унга кулиб боқади», чунки «яхши ахлоқ жамики яхшиликларнинг заминидир». Ягона мақсадни кўзлаб жамиятнинг барча табақаларини оға-инилар сифатида муросага келтириш ва ана шу негизда одил ва гуллаб яшнайдиган жамият барпо этиши Юсуф Хос Ҳожибининг инсоншарварлик ғоялари асосий мазмунини ташкил этади.

Юсуф Хос Ҳожиб инсон камолотга стиши учун саботли, чидамли ва сабр – тоқатли бўлиши даркорлигини таъкидлайди. «Инсон ҳар тарафлама лаёқатли бўлиши зарур, ана ўшаандагина унинг учун ҳаёт янада яхнироқ ва хушчакчақроқ бўлади, баҳт унга ҳамиши ёр бўлади», - деб кўрсаттган. Шоир комил инсон ҳақида ганирар экан, камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чиқиб, бошиқалар гами билан ҳам яшаши, халиқ манфаати учун фидойи бўла билишдир. Шоир асарининг алоҳида боби билим ҳақида бўлиб «Билим ақл идрок фарқини, пафини айтади» деб помланган.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 7

Инсоният ғоялар тарихидир.

## Тасаввуф

Тасаввуф — ислом дини таълимоти асосида шарқона тафаккур ва амалий фаолият тараққиётининг кўп асрлик тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган, инсонни комиллик (етуклик) даражасига элтувчи, унга таълим ва тарбия берувчи олий мактаб мақомидир.

Тасаввуф — ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган.

«Дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги, инсоният бутунлиги, доно ва оқил, пок ниятли одамлар фаолиятига боғлиқ. Яъни илоҳий поклик ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-қазолардан асрайди, ҳаётни авайлаб, сақлаб туради. Тасаввуф ўз усули, ҳақиқат деб топган йўли билан шу мақсад сари интилган».

*Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1996 йил, 144-бет.*

## Асосий йўналишлари (тариқатлари) ва асосчилари

### Яссавия

Юсуф  
Ҳамадоний  
(1048-1140 й.)  
Хожа Аҳмад  
Яссавий  
(1041-1166 й.)

### Қубравия

Нажмиддин  
Қубро  
(1145-1221 й.)

### Нақшбандия (Хожагон)

Абдуҳолик  
Фиждувоний  
(1220 й. вафот этган)  
Баҳоуддин  
Нақшбанд  
(1318-1389 й.)

### Мавлавия

Жалолиддин  
Румий  
(1207-1273)

## Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 8

*Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.*

### Үрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Яссавия

Нодонлик, жаҳолат, баднафслик, молу дунёга ҳирс қўйиш иллатлари ва уларни шакллантирадиган омиллар қораланади, улардан узоқлашишинга даъват қилинади.

Ҳаққа стишини учун кўигилни кенг тутиши, дилозорликни гуноҳи азим, деб билиши чин мусулмонлик белгиси ҳисобланган. «Суннат эрмиш коғир бўлса берма озор, кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор» (Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т. Фофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1994 йил. 47-бет.)

Қубравия

Қубравия тариқатининг қоидалари ўнта бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: 1. Тавба. Йилгари қиммишларидан тавба қилиб, ўзини ҳам зоҳираи ҳам ботинаи поклаб бориш. 2. Зухд ари – дунё. Дунёвий бойликлардан, мол-мулқдан воз кечмоғи даркор. 3. Таваккул ал-Аллоҳ. Аллоҳга чин дилдан ишониш. 4. Қаноат. Сабр тоқатли ва қаноатли бўлиш. 5. Узлат. Ёлғизликда ботинан ўзини чиниқтириб, покланиб бормоқ. 6. Мулозимат аз-зикр. Аллоҳ номини доимо ёд айлаб, учининг шаънига сидқидилдан зикр-самоъ қилиш. 7. Таважжӯт ал-Аллоҳ. Бутун қалби, бор вужуди билан Аллоҳга мурожаат қилиб юрмоғи лозим. 8. Сабр. Шаҳвоний ҳирсу ҳаволардан, нафс балосидан қутулмоғи лозим. 9. Муроқаба. Уз қалбини пасткашликлардан, риё ва макру ҳийла-найранглардан ҳалос қилмоғи шарт. 10. Ризо. Илоҳий қисматга зарра эътиroz қиласмаслик. Ҳеч нареадан газаб, ҳаяжон, гина-қудрат ва хафа бўлмаслик.

Нақшбандия

Нақшбандия (Хожагон) XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган. Бу тариқатнинг биринчи маънавий отаси ва асосчиси Абдуҳолик Фиждувонийдир. Асосий ғояси: Ҳилватда ўтириш эмас, балки ҳилватни дўстлар даврасида топиш, ҳақиқатни излаб нотаниш юртларда сарсон саргардонликда юрмасдан, ўз ватани, юртининг шаҳар ва қишлоқларини зиёрат қилиш, ҳалқдан ажралмай, у билан ҳамнафас бўлиш, ботинда, яъни дилида ҳамиша Ҳақ таоло билан яшаш ғоясини илгари сурган. Инсонпарварлик, ўз меҳнати билан кун кечириш улуғланиб, текинхўрлик, ижтимоий зулм ва истибод қатъяян қораланади.

Нақшбандийлар савдо-сотиқ, дехқончилик, ҳунармандчилик, адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, наққончилик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли ишлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Маширб, Маҳтумқули каби юзлаб тараққийпарвар, инсонпарвар мутаффакирлар нақшбандия йўлини таилаганлар. «Лил ба ёру даст ба кор» шиори ҳозирда ҳам машҳур.

## Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 9

### Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.

#### Үрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Паҳлавон  
Маҳмуд  
(1248-1325 й.)

Хоразмлик мұтафаккир-файласуф шоир Паҳлавон Маҳмуд ўз ҳаёти ва икодий ғаолиятіда ҳақензликка қарин турды, адолат ва меҳр-шафқат таңтана қылышшы орзу қылди.

Паҳлавон Маҳмуднинг айтинича, инсон-юксак камолотдир, лекин у ана шу буюк помга лойинқ бўлини учун аввало юксак ахлоқли бўлинни лозим.

Маҳмуд тўғридан-тўғри, агар инсон ўз замони ҳақида жон куйдирмаса уни инсон деб ҳисоблаб бўлмайди, деб таъкидлайди. Паҳлавон Маҳмуд учун инсон ва халиқ бир-бираидан ажратиб бўлмайдиган тушунчалардир, айни чөнда у халиқ манфаатларини айрим шахе манфаатларидан юқори қўяди.

Унинг айтинича, одамлар ўз табиатига кўра турлича: шундай одамлар борки, улар жуда очиқ кўл бўлиб, «кўнгли нок ва гина-қурдатни билмайдиган мевали дарахтлар»га ўхшайдилар, уларни ҳамма хурмат қиласади ва севади. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларда худбинлик ва фақат ўзинингни кўзлани устунлик қиласади. Шоир бундай одамлардан ёхтиёт бўлишини, улардан яхшилик кутмасини, дўст ташланда хушёр бўлишини уқтиради.

Ўз әлининг ғодиқ фарзанди бўлган Паҳлавон Маҳмуд ўша оғир замонларда ватандонларини жасур, мард ва матонатни бўлинига чақирди. У кўркокларни, юракенз ва ахмок киниларни ғоятда ёмон кўрар эди.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 10

## Инсонийт тарихи ғоялар тарихидир.

### Ўрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Амир Темур  
(1336-1405 й.)

«Биз ким—мулки Турун, амири Туркистонмиз. Биз ким—миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз» Амир Темур.

Амир Темур ўз даврининг етук давлат арбоби, сиёсатчи, ҳарбий саркарда ва том маънода юксак фазилатли буюк шахс сифатида эл-юрг ва фуқаронинг ташвиши, раиятпарварлик, меҳр-муруват, мардлик ва қаҳрамонлик, ватанпарварлик каби юксак инсонпарварлик ғояларини илгари сурди. Куйида келтирилаётган Соҳибқирон Амир Темурнинг сўзлари фикримизга далил бўла олади: Амир Темур: «Яхши подшоҳ, -дерди у улуғ зот, -подшолик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг учун қудратли Аллоҳ бизга муқаддас қарз сифатида топшириб қўйган фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу ҳамиша менинг асосий машғулотим бўлиб қолади, негаки қиёмат куни фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишин талаб этишларини мен истамайман».

Амир Темур ўз ҳаёти ва фаолияти давомида адолат тамойилига қатъий риоя қилиб яшади. «Куч адолатдадир» шиори унинг ҳаёт тарзига айланган эди. «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Очиқ юзлилик, раҳм-шағиқат билан халқни ўзимга ром қилдим, Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим», - деб таъкидлади.

«Султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўн вақт ўтмай салтанат уйи қулади». «Ишибилармон, мардлик ва шижаат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, - деб таъкидлайди соҳибқирон, - минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.» «Давлат, - деб айтади А.Темур, - лашкарлару фуқароларнинг ғадоқати ва фидоийлиги—ла қудратлидир. «Ҳамишалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг да боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат— бир куни мас бир кун мевасини татирсан».

## Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 11

*Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.*

### Үрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Алишер Навоий  
(1441-1501 й.)

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккири, шоири, давлат арбоби, ўз даврининг оқил сиёсатчиси, халқпарвар, инсонпарвар аллома—Алишер Навоий ўзининг бутун умрини, куч-кувватини, ижодини халқнинг тинчлиги, осойииталигини сақлашга, унинг орзу—истакларини рўёбга чиқаришга сарф қилди.

Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий», «Саббаи Сайёр», «Хайратул аброр», «Мажолисун Нафоис», «Муҳокаматул Лугатайн» каби асарларида ва қатор девонларида ижтимоийлик, бунёдкорликка асосланган ғояларини илгари сурди. Навоий буюк инсонпарвар, тараққиётарвар давлат арбоби, хассос шоир эди. Жомий орқали тасаввуфнинг Накибандийлик сулукига қўшилган эди. У юртгаadolатли, маърифатпарвар шоҳ раҳбарлик қилишини орзу қилди. Ўзининг «Садди Искандарий» достонида Искандар образи ахлоқий — бунёдкорлик ғояларига монанд тасвирланиб, у етук олим ва донишманд подшоҳ, истеъододли саркарда ва халқпарвар давлат арбоби сифатида гавдаланади. Айни вақтда Искандарда комил инсонга хос ҳусусиятлар ҳам тасвирланади: у дили ва нияти пок, хайр — саҳоватли, камтарин ва мулојим шахс, доно подшоҳ ва дунё сирларини билишга қизиқувчи ақл заковат эгаси. Искандар образи орқали Навоий ўзининг эзгу орзуси — жамиятни ҳикмат,adolat ва инсонийлик тамойиллари билан бошқариш керак, деган ғояни илгари сурган. Буюк аллома ўзининг ахлоқий ва ижтимоий — бунёдкорлик ғояларини юзага чиқаришнинг асосий воситалари сифатида илм — маърифат ва ахлоқий тарбия, деб билган.

«Одами эрсанг, демагил одами,  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.»

## Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 12

Инсоният тарихи ғоялар тарихидир.

### Ўрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Заҳириддин  
Мұхаммад Бобур  
(1483-1530 й.)

Атоқли давлат арбоби, моҳир саркарда, истеъоддли шоир, адиб, донишманд олим Заҳириддин Мұхаммад Бобур ўз ҳаёти ва ижодида инсонни улуғлаб, унинг камоли ҳақида қайғуриб яшади. Бобур улуғ шоир ва шоҳ сифатида халқ билан, раият аҳли билан доимо яқин муносабатда бўлишга интилиб, унинг дардии, орзу-умидларини юракдан ҳис қилиб яшади.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур ўз даврининг стук зиёли, ўта нозик таъб, хур фикрли кишиси бўлиб, илм-фан, санъат аҳлини, қобилиятли, ахлоқан пок кишиларни эъзозлаган. Ўз ҳаёти, ижоди ва давлат ишларидағи фаолиятида улуғ, мұльтабар, ақл-заковатли кекса кишилар тажрибасига суюниб, уларнинг маслаҳатларига риоя қилиб яшади. Заҳириддин Мұхаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида ва ғазалларида инсонпарварлик, юксак ахлоқий маданият, давлат ишларини бошқаришда эса адолат юзасидан иш тутишлик, тўғрилик, ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик, самимилик каби юксак инсоний фазилатларни, ғояларни илгари сурди ва уларга амал қилиб яшади. Заҳириддин Мұхаммад Бобур ҳар қандай адолатсизлик, жоҳиҳиллик, золимлик, ахлоқсизлик, хоинлик билан эса мутлақо келишмаган ва бундай қусурга эга бўлган кишидан, у ким бўлишидан қатъий назар, нафратланган. Бобур бундай иллатларга, инсонийликка, ахлоқий қадриятларга зид бўлган тубан ахлоқеизликлар жамият учун, унинг маънавий барқамоллиги учун нақадар заарарли оқибатларга олиб келишини тарихий далиллар билан исботлаб берган. Бобур кишиларга яхшилик қилиш ғоясини ўзининг қуйидаги мисраларида шундай ифодалайди.

«Бори элга яхшилик қилгилки, мундан яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ».

## Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 13

### Инсоният тарихи ғоялар тарихидир

#### Ўрта аср Шарқ бунёдкор ғоялари

Бобораҳим Машраб  
(1640-1711 й.)

Машраб ўз ҳаёти давомида жуда күн шаҳар ва қишлоқларни кезиб, дарбадарлиқда юриб, ўз даврида ижтимоий адолатсизликларнинг шоҳиди бўлади, халқнинг оғир турмушини кўриб, унга ачинади. Ўз даври зулм ва зўравонликлари, инсофисизлик ва адолатсизликни танқид қилиб газаллар ёзди. У адолатсизликка, жабр зулмга, зўравошлиқ ва хуярезлик, мунофиқлик каби разиллик ва ёмонликларга қарши кураш ғоясини илгари суради ва бу йўлда қаландарлик мақомини таънидлайди.

Машраб, инсон фақатгина «кулоҳи жандо»ни кийиб қаландар бўлиб, ўз нафсини тийини, оз нарсаларга қаноат қилиши мумкин, деб билган. Бойликка ҳирс қўймаслик, ўз ҳалол меҳнати эвазига кун кечириш зарурлигини таънидлайди:

Фофил кишилар кеча-ю қундуз тилагай мол,  
Дунё дедим-у охиратимни сота кеттим.

Машраб хулқ-одоб, дўстлик, яхшилик қилиш, илмли бўлиш каби инсоний фазилатларни улуғлаб, одамларни ярамас хатти-ҳаракатлардан, ёмон одатлардан, хусусан, такаббурликдан, ёлғон сўзлашдан сақланишга ундаиди.

Машраб ота-онани хурмат қилиш, уларни улуғлаш ғоясини илгари сурган. Унинг ижтимоий қарашлари чуқур инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар билан сугорилган эди. Машраб адолатсизликка қарши кураш руҳи билан сугорилган ғоялари билан халқпарвар мутафаккир сифатида ўз халқи қалбидан чуқур ва мустаҳкам жой олди. Улуғ шоир шеърларида ўз даври ижтимоий ҳаётининг аянчли аҳволини, зулм ва истибоддининг авж олганлигини, меҳнаткаш халқнинг ниҳоятда оғир ҳаётини баён этган:

Дили тиги ситамдин нора бўлган халқни кўрдум,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум,  
Кўзи вақти сахар сайёра бўлган халқни кўрдум...

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор гоялар тарихи № 14

## Инсоният тарихи гоялар тарихидир

### Уйғониш даври бунёдкор гоялари

#### Тарихий давр ва миңтақалар

#### Асосий оқимлар ва етук мутафаккирлар

#### Бунёдкор гоялар ва таълимотларниң ўзига хос характерли хусусиятлари

Уйғониш  
даври  
Фарб.  
бунёдкор  
гоялари ва  
таълимотлари

Н.Макиавелли  
(1469-1527 й.)

Италияның мутафаккири ўзининг «Хукмдор», «Флоренция тарихи» асарларида ўз даври учун мұхим ахамиятта әга бўлган кучли марказлашган давлат қуриш гоясини илгари сурган. Кучли марказлашган давлатни барни қилиши орқалигина мамлақатнинг ички парокандалигига ва сиёсий бошбошдоқликка чек қўйиш мумкин, деб ҳисоблаган. Бу йўлда адолатли қонунларни ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш ҳар қандай ҳокимиятнинг мустаҳкамлигини таъминлайди, деб таъкидлаган.

Томас Мор  
(1478-1535 й.)

Таниқли инглиз мутафаккири ва давлат арбоби Т.Мор инсонпарварликка асосланган демократик гояларни илгари сурган. "Ҳамма нарса умумий бўлган жойда ҳеч қачон бойбадавлат яшаб бўлмайди". (Т.Мор) "Ҳар бир инсон ўз шахсий манфаатларини халқ манфаати билан мувофиқлаштира олсагина жамият ҳаётида фаровонлик бўлади", -деб ҳисоблаган.

Жордано Бруно  
(1548-1600 й.)

Италиялик Жордано Бруно 1600 йилда узининг ҳур фикрларини тарғиб қилганлиги учун черков инквизицияси томонидан суд қилиниб, ўтда куйдирилди. Бруно қатл қилингав жойда, Римдаги Гуллар майдонида кейинчалик узининг ҳайкални ўрнатилди. Ҳайкалга: «У ҳамма халқлар учун фикр эркинлигини талаб қилди ва шу талаби учун қатл этилди», -деб ёзиб қўйилган.

**Инсоният тарихи ғоялар тарихи**

**Янги давр бунёдкор ғоялари**

**Тарихий давр  
ва минтақалар**

**Янги давр  
Фарб  
бунёдкор  
ғоялари ва  
таълимотлари**

**Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар**

Ф.Бэкон (1561-1626)  
Р.Декарт (1596-1650)  
Т.Гоббс (1588-1679)  
Д.Нокк (1632-1704)  
Б.Спиноза(1632-1677)  
Г.Лейбниц (1646-1716)

Дж.Беркли  
(1685-1753)  
Д.Юм (1711-1776)  
А.Вольтер  
(1694-1778)  
П.Гольбах (1723-1789)

**Немис классик  
фалсафасининг  
намоёндаси**  
**И.Кант (1724-1804)**

**Бунёдкор ғоялар ва таълимотларниң ўзига хос  
характерли хусусиятлари**

Янги даврда Европада стишиб чиққан мутафаккирлар инсониарварлар ғояларини ва қадриятларини изгари суріб, унда инсониниг ақы заковати ва эркинлігі баҳтли ҳаёт кечиришининг асосий шарти, деб ҳисоблаганлар. Жамият ривожланишининг «эркинлик зарурияты» концепциясини ишлаб чиққандар. Бұ концепцияда жамият, давлат ва инсон мөхияттіннің (динниң талқиндан фарқы) рационал жиһатдан тушиутириб бердилар.

XVIII аср Европада стишиб чиққан маърифатпарварлар жамият хаётида маърифатинің нақадар зүр аҳамиятта әзә эканлигини күрсатып, ҳар қандай баҳтта әлтүвчи асосий омыл-бу маърифатдир, деган ғояни изгари сурдилар.

А.Вольтер: «Хеч бир давлат,adolat bўлмаса узоқ яшай олмайди. Чунки яратганинг ўзи адолатидир».

Республика фуқаролик тузуми, тиңчлик йўлида давлатлараро ҳамкорлик, жамият аъзоларининг эркинліги, ҳалқаро ҳукуқий нормаларини ишлаб чиқин зарурини, шунингдек, мустақил давлатлар ҳукуқий нормаларига асосланмоги лозим, деган ғояларни изгари сурган. «Маърифат-инсонининг ўз айбига қура мавижуд бўлган помукаммадлик ҳозатидаи чиқин йўлинидир».

Н.Карим

**XVIII-XIX аср бунёдкор ғоялари**

Тарихий давр  
ва мінтақалар

XVIII-  
XIX аср  
Туркестон-  
даги бунёд-  
кор ғоялар

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Нодира (1792-1843)  
Увайсий (1789-1850)  
Дилшод (1800-1906)

А.Дониш(1827-1897)  
Бердақ (1827-1900)  
Фурқат (1858-1909)  
Муқимий (1850-1903)  
Аваз Ўтар(1884-1919)

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг ўзига хос  
характерли хусусиятлари

Хақензлик ва адолатензлигин қоралаб, меңнаткаш халқ  
оммасини, аёлларни қадрлани, дүстлик, юрг тиичлиги,  
ободончиллиги, эл-юрг фаровоизлиги, маърифатиарварлик каби  
инсониарварлик ғояларини изгари сурдилар.

Давлат бошларини адолатин бўлининг, фуқаро ҳолидан хабар  
олининг, халиқа меҳр-шафқат кўреатининг чақирдилар.

«Бўйла ким мумтоз эрусеи барча сұлтонлар аро,  
Шод қилинг бандаларнинг кўнглини ёхсан этиб...

Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шоҳ, анга  
Хашамату салтанату рафъяту шон барча абас». Нодира

XIX аср ва XX аср бонларида яшаб, ижод қилиган  
маърифатиарвар шоир ва улуғ мутафаккирлар ўз ижодларида  
тўғрилик, ҳақиқаттўйлик, адолат, инсонин қадрлани, оқизларни  
хўмоя қилини, мухтожларни қўллани каби чин инсонийлик  
ғояларини изгари сурдилар. Улар ўз ижодларида  
маърифатиарварлик ғояларини тарғиб қилиб, илм-фан орқали  
мамлакатини қолоқдиндан чиқарини, халиқнинг моддий  
фаровоизлигини таъминлани мумкини, деб билдишлар.

Аҳмад Ҷонин Бухоро амирини инсоф ва адолатга чақирди.  
Халиқ ҳаётини яхнилам, жамиятин ривожлантириши учун туб  
ислоҳотлар ўтказини зарурлиги ғоясини изгари сурди. Қорақалпоқ  
халиқининг буюк шоипи ва мутафаккири Бердақ эса фидойи  
инсон сифатида “инсон учун энг олий баҳт бу ўз Ватанига,  
халиқга ҳалол ва беғараз хизмат қилини зарурлигини” ўз  
шешъларнида ціфодалади. Хоразм юртининг жасур ва мағур  
шоипи Аваз Ўтар ўз шешъларнида Хива хони Нефандиёрининг  
халиқка зулм қилаётганини фони этиб, демократик ғояларни  
тарашум этди.

XX аср бунёдкор ғоялари

Тарихий давр  
ва мінтақалар

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

XX аср  
Жадид-  
чилик

- Махмудхұја Бекбұдай  
(1879-1919)  
Мұнаввар қори  
Абдурашидхонов  
(1878-1931)  
Абдурауф Фитрат  
(1886-1937)  
Абдулла Авлоний  
(1878-1934)

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг ўзига хос  
характерли хусусиятлари

Жадидчилік (арабчада яғылым, деган мағынан айылатады) шектемойін фінкә оқими сифатыда XIX асриннег 80-жылларыда Қримда вузуктаға келди. Үният асосчеси жамоат арбоби Немойл Гаспиринский (1851-1914) эди. Жадидчилік XIX аср охири XX аср бойында Марказий Осмё зиёлілари орасында көп тарқалиб, үша давр Туркестондагы мұлаз-озодлық қаралатыннег ғояс-Туркестон мұлаз мұстақильдик мағұрасын вазифасынін баяндарды.

Жадидчилікшін асосий ғояси ва мақсадлары: Туркестоннан үрта асерчилік, феодал қоюқшылар, хурофтардан, Ресей истибодидан мисалатын оздың қылыш, үлкани замонавий тараққиёттің үйлігі оліб чынын, мұлаз давлат бүйірдің этиши, озод ва фарғонан жамият қурунан, түркій тілдерге давлат тили мақомини бернен кабылдардан иборат эди.

Жадидчилік-маърифатиарварлық қаралатыннег юқори босқынчи бүлиб, үният намбайдалары үз халқыннан мысынавий ва сиёсий жиһатдан озодлуги үйліда кураңылалар. Үлар, мұлаз мұстақильдикка әрнешшіннег асосий үйлі-маориғін иелюх қылышынан үзілік оммасы үргасыда маориғін көнг тарғиб қылышын орқалы саводлы, ҳар томондан етуқ, бізнесмен зиёліларни тарбиялаш етіннітерін орқалы аманда оширип лозимлігінін күрсатадылар. Шуннан учун ҳам дүнёвий белгіліларни әзіллаш, маърифаттың тарғиб қылышын жадидчиларнин диктат марказыда бўлди. Мисал тақдир таълим-тарбия билан белгіланаади, деб ҳисоблаганалар. Улар Туркестон мусулмандарнан ягона бир мақсад ва гоя асосында бирланытириш заруратыннан кўрсатадылар. Халқ оммасынга маърифат тарқатынан борасыда үзларниннег «Тараққиёт», «Хурин», «Суръат», «Оспе», «Ҳақиқат», каби газета ва ойномаларин напирилар. Тоникент, Самарқанд, Бухоро, Кўкон каби шаҳарларда жадидчиларнин таъсирі кетта бўлди. XX асриннег 30-жылларыда жадидчиларнин кўйлаб намбайдаларни Шуро тузуминнег шафқатенз қатағонига учраб, уларнин аксарайт күичилити ваҳинийларча ўлдирилган.

Жадидчиларнин кўзга кўринштан вакиллари: А.Некромов, Ф.Хўжаев, А.Чўлион, Элбек, Ж.Тавадло, Кондайліккій, Ақзий, С.Айнин, Ҳамза, Боту, Олтой, А.Кодирий ва башкалар.

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 18

## Инсоният тарихи ғоялар тарихидир

### XX аср бунёдкор ғоялари

Тарихий давр  
ва миңтақалар

XX аср.  
Ҳиндистон

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Мохандас  
Карамчанд  
Ганди  
(1869-1948)

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг ўзига хос  
характерли хусусиятлари

М.Ганди ўз ҳәёти ва фаолиятида ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши миллий – озодлик учун кураш ғоясини илгари сурди. Унинг ғояси сарвадайя, яъни умумижтимоий фаровонликни рўёбга чиқаришдан иборат бўлиб, уни амалга ошириш усули эса – сатъяграфа яъни ҳар қандай зўравонликсиз кураш олиб боришга асосланган. Ҳар қандай зўравонликсиз кураш ғояси кейинчалик бутун дунё бўйича ижтимоий ҳаракат тусини олди. Халиқаро миқёсда давлатларапо алоқаларнинг асосий тамойили сифатида қабул қилинди.

М.Ганди илгари сурган ғоя – ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бўлиб, унда меҳнаткаш ҳинд халқи, оддий фуқаро манфаатлари ифодаланган. Унинг ғояси ҳинд халқининг мустамлакачиликка қарши курашининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг миллий мустақилликка эришуви (1947 йил) Ганди номи билан узвий боғлиқ. Бу ғоя халқ анъаналярига, диний эътиқодига ва удумларига, маънавий қадриятларига асосланганлиги билан характерланади. М. Ганди бунёдкорлик ғояларини унинг издошлари Жаваҳарлал Неру, Лал Баҳодир Шастри, Индира Гандилар давом эттирдилар.

М.Ганди ҳар қандай ижтимоий баҳтсизлик, кулфатнинг сабаби инесизлик, зулм, жамият моддий бойликларини ва ҳокимиятини бир ҳовуч кишилар қўлида тўпланиб қолишидайдир, деб ҳисоблаган.

«Синфий кураш ҳинд халқига ёт нарса». М.Ганди.

(M.K.Gandi. Sa vodaya. The Welfare of All. Ahmedabad, 1954, S.89)

# Жамият тараққиётидаги бунёдкор ғоялар тарихи № 19

## Инсоният тарихи ғоялар тарихидир

### XIX-XX аср бунёдкор ғоялари

Тарихий давр  
ва мінтақалар

Асосий оқимлар ва  
етук мутафаккирлар

Бунёдкор ғоялар ва таълимотларнинг ўзига хос  
характерли хусусиятлари

XIX-XX аср  
Европадаги.  
бунёдкор  
ғоялар

О.Конт (1798-1857)  
Г.Спенсер (1820-1903)  
Э.Дюргейм (1858-1917)  
М.Вебер (1864-1920)

Фридрих Ницше  
(1844-1900 й)

Жамиятнинг маънавий ва ақлий ривожи инсоният тараққиётининг ҳал қилувчи омили, деб қараганлар. Улар жамият тараққиётини ислоҳотлар асосида олиб бориш зарурлиги тұғрисидаги ғояни илгари сурдилар. Шахснинг ривожланишини эса жамият эволюциясининг олий мақсади ва тараққиётининг асосий мезони, деб билганилар. Farbий Европа мамлакатлари О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюргейм ва М.Веберларнинг жамият ривожланиши тұғрисидаги ғоялари асосида тараққий қилиб борди ва уларнинг таълимоти ҳәстий эканлигини тасдиқлады.

Немис файласуфи, “Ҳаёт фалсафаси” таълимотининг асосчиси. Асосий асарлари: “Зардұшт шундай деган”, “Әзгулик ва жаҳолат”. Унинг ғоявий қарашлари марказида ҳаёт түшунчаси, унинг моҳияти ва үндаги инсоннинг туттан үрни ётади. Ҳаёт унингча, кучли ва заиф иродалар, адолат ва ҳақсизлик, яхшилик ва ёмонлик үртасидаги курашдан иборат. Ницшепинг фикрича, инсон ўз-ўзини англаши, ўзида чин инсонийлик хислатларини шакллантириши, деомо қоксакликка, камолотта интилиши ва инсонийликнинг олий мақомига эришиши лозим.

## Жамият тараққиётидаги бузғунчи ғоялар ва уларнинг асосий тарихий кўринишлари. № 1

Бузғунчи ғоялар ва уларнинг ҳар қандай қўриниши кишилик жамияти тарихида бутун-бутун халқлар бошига оғир кулфатлар келтирди, миллионлаб иншиларнинг ёстирни қутилди. Жамият ривожланшиниң қонуниятларининг бузилишига сабаб бўлди. Айrim давлатлар, минтақалар, цивилизацияларнинг тарихий тараққиётига түсиқ бўлди ва мудхииш оқибатларга олиб иелди.

### Салибчиларнинг ғоялари

XI аср охиридан XIII аср охиригача Фарб мамлакатларида Шарқ мамлакатларига қарши ҳукмронлик қилган ғоялар.

### Диний фанатизм

Диний эътиқодга кўр-кўрана муккасидан кетиб, ҳар қандай ўзга диний ва дунёвий қарашларни инкор этиш, улар билан келишмаслик.

### Атеизм (даҳрийлик)

Ҳар қандай диний таълимотни инкор этиб эътиқодсизликни, даҳрийлик ғоясини илгари суради. Шўролар давлатининг ҳукмрон ғояси бўлган.

### Фашизм

1919 йилда Италия ва Германияда вужудга келиб, 30, 40 ва 70 йиларда дунёнинг бир қатор мамлакатларида ҳукмрон ғоя сифатида амал қилган.

### Ақидапарастлик

Ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли. Ўрта асрлардан то ҳозирги кунгача яшаб келаётган бузғунчи ғоя. Диний ақидапарастлик дунёвий тараққиёт душмани.

### Шовинизм

XIX аср бошларида Францияда пайдо бўлди. Муайян шахс, миллат ёки давлатни бошқалардан устун қўядиган, уни мутлоқлаштирадиган мафкуравий ақида.

### Большевизм

XX аср бошларида Россия Империясида вужудга келди. Шўролар давлатида 90-йилларнинг бошларига қадар ҳукмрон ғоя сифатида қилган.

### Космополитизм

«Инсон турининг ягоналиги» тушунчасидан келиб чиқиб, ҳар қандай миллий мустақиллик, миллий анъанаалар ва маданиятдан воз кечишини, дунё бўйича «ягона давлат» тузиш ғоясини илгари суради.

### Нигилизм

Нигилизм-(лотинча сўз бўлиб, «ҳеч нима» маъносини англатади). Ҳар қандай ижтимоий, миллий қадриятларни, ғояларни, ахлоқий нормаларни, маданиятни инкор этади.

## Салибчиларнинг ғоялари

1095-йили Франциянинг Клермон шаҳри ёнидаги кенг майдонда йигилган ҳалойиқ олдида Рим папаси нутқ сўзлаб, у йигилган ҳалойиқни «Белига қилич тақишига» ва «парвардигорнинг тобутини гайридинлар (яъни мусулмонлар) қўлидан қутқазиб олиш учун» Шарқ мамлакатларига қарши отланишга чақирди. Христианларнинг ривоятларига кўра, Исо найғамбар Фаластиндаги Қуддус шаҳрига кўмилган. Салиб юришидан асосий мақсад-Фарб мамлакатлари Феодалларининг Шарқдаги бой шаҳар-қишлоқларни талашга ва унда янги ер-мулклар вужудга келтиришдан иборат эди.

XI аср охиридан XIII аср охиригача 8 марта уюштирилган Farb феодалларининг Шарқдаги босқинчилик урушлари-салиб юришлари муваффақиятсизликка учради. Чунки, унинг асл мақсади босқинчилик, талончилик, ҳуррезлик каби бузғунчи ғояга асосланган эди. Салиб юришлари оқибатида Farb ва Шарқ ҳалқлари ғоят катта талофат кўрди, жабрзулмни бошдан кечирди.

## Фашизм

1919-йилда Италия ва Германияда вужудга келиб, 20-30-йилларда ҳокимиётни эгаллаган. Фашизмнинг бузғунчилик ғояси: ҳар қандай демократик тузумни йўқ қилиш, эркинликни бўғиши, қўпорувчилик, ҳарбий зўравонлик билан ҳалқлар устидан хукмронликни ўрнатишдан иборат бўлган. 1933-йилда Германияда сиёсий ҳокимиётни эгаллаб, II жаҳон урушини келтириб чиқарди. Фашистик бузғунчи ғоянинг оқибатида ер юзида 60 миллиондан ортиқ кишилар қурбон бўлди. Европа, Осиё, Африка, Америка ҳалқлари бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатлар солди. Унлаб мамлакатларнинг вайрон бўлишига олиб келди. Германиянинг «ўлим империяси» га айланишига сабаб бўлди.

## Большевизм

Большевизм XX асрнинг бошларида вужудга келиб, унинг ғоявий асосчиси В.И.Ленин бўлган. Большевистик ғоянинг туб моҳияти: Россияда ва кейинчалик бутун дунёда ҳарбий-сиёсий зўравонликни ўргатиш, тоталитар тузумни жорий қилишдан иборат бўлган. Россияда 1905, 1917-йилларда 3 марта ҳарбий-қуролли исённи келтириб чиқарди. Бу ғояни амалга ошириш жараёнида миллион-миллион кишилар қурбон бўлди. Марказий Осиё, Кавказ, Болтиқбўйи ҳалқларининг миллий маданияти, қадриятлари, диний эътиқоди, тили, тарихи инкор этилиб, улар зўравонлик билан тоталитар тузумга буйсундирилди. Умуминсоний қадриятлар ўринини синфиийлик тамойилига асосланган бузғунчи ғоя эгаллади. Даҳрийликка зўр берилди. Минглаб уламолар, дин арбоблари, олимлар, эркин фикрловчи буюк кишилар қатағон қурбони бўлдилар.

**«Фояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишин мумкин».** Ислом Каримов

### Дунёвий ва диний ғоялар мунитарақлиги тамойили

Эзгулик ва инсоншарварликка асосланган дунёвий ғоялар албатта диний ғояларга зид келмайди, балки, улар ўзаро мунитарақдир. Ҳар қандай диний ғоя, агар у бузиб кўреатилмаса ва сохталаштирилмаган бўлса, дунёвий ғоялар билан вобастадир. Ал Ҳоразмий, ал-Фаргоний, Форобий, Беруний, Иби Сино, ал-Киндий, Улуғбек, Али-Қуничи каби юзлаб буюк мутафаккирлар ўз даврининг йирик олимлари бўлиб, ҳам дунёвий илмларни, ҳам илоҳиёт илмини чукур өгаллаган эдилар. Улар, ўзлари ёзib қолдирган асарларида дунёвий ва диний илмларниң ўзаро мунитарақ эканлигини исботлаб берганилар.

### Дунёвийлик

Дунёвийлик даҳрийлик эмас. Қадим замонлардан инсон бу ёрг дунёда ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши учун олам нарса ва ҳодисалари тўғрисидаги дунёвий билимларни ўрганиб, улардан фойдаланиб келмоқда. Ҳеч бир диний - илогий таълимот, айниқса ислом дини буни инкор этмайди. Ислом таълимотида, унинг муҳаддас китоби «Қуръони Карим»да ва ҳадисларда ҳар бир мўмин-мусулмон илми бўлиши, дунёвий билимлардан хабардор бўлиши зарурлиги қайта қайта таъкидлаб кўрсатилган. Инсон ва инсоният учун зарар келтирмайдиган, унинг ҳаётига хавф солмайдиган, дунёвий мазмунга эга бўлган ҳар қандай фойдали фикр ва қарашлар, амаллар, хатти ҳаракатлар диний нуқтаи назардан ҳам эътироф этилади. Исломда эса улар кенг тарғиб қилинади.

### Ақидапарастлик мафкураси

Ақидапарастлик муайян диний эътиқод шаклланишининг бошлангич даврида белгилаб берилган барча йўл-йўриқларни қаттий ва оғинимай бажарилинини талаб қилишдан иборат. Ислом дини ақидапарастлари «соғ ислом» ақидаларига асосланган ҳолда хозирги замон илмий-техник ва ижтимоий тараққиёт ютуқларидан воз кечиш ғоясини илгари сурадилар. Уларниң асосий мақсади: Қуръони Карим ва ҳадисларда кўрсатилмаган ҳар қандай миллий, замонавий урф-одатлар, қадриятлар ва қараниларни, демократик тамойилларга асосланган ижтимоий тараққиёт йўлини инкор этиб, фақат ислом дини ақидаларигагина асосланган «исломий тараққиёт» йўлини жорий этишдан иборат. Ваҳҳобийлик диний экстремистик оқими, «Мусулмон биродарлари» ташкилоти, «Ҳезбут-тахрир», «Ҳезбуллоҳ», «Ислом озодлик партияси», каби диний экстремистик ташкилотлар ислом ақидапарастлиги мафкурасига асосланган.

# Тарихдағы ва мағкураларни мутлоқлаштириш оқибатлари

## Мутлоқ ҳақиқатни дағво қилувчи ғоя ва мағкуралар

### Коммунистик мағкура

Моддийончилик ғоясига асосланған бўлиб, Шўролар давлатида 73 йил давомида (1917-1991) тоталитар тузумнинг якка ҳукмрон мағкураси сифатида амал қилди. Моддийончилик ва даҳрийлик ғоясига асосланған бу мағкура мутлоқ ҳақиқатни дағво қилиб, ундан фарқ қилувчи ҳар қандай миллий, диний, сиёсий ғоя ва мағкураларни рад этди. Қишилик жамиятининг тарихий тараққиёти ва тажрибаси будай мағкуранинг инсоният учун маънавий жиҳатдан яроқсиз эканлигини, уннинг истиқболи ўйқулигини иеботлади. Бу мағкура инсоният моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

### Фашистик мағкура

Ирқий тенгизлик, миллатчилик ва милитаристик ғояларга асосланған.

Фашистик мағкура ҳам тоталитар тузумнинг якка ҳукмрон мағкураси сифатида XX асрнинг 30 йиларидан 40-йиллар ўрталаригача Германия, Италия каби мамлакатларда амал қилди. Ирқчилик, миллий социализм ғоясига асосланған бу мағкура мутлоқ ҳақиқатни дағво қилиб, ҳар қандай ўзға ғоя ва қарашларни, миллий, ижтимоий тенглик, демократик ғояларни рад этди. 2-жা�хон уриинин келтириб чиқарди ва 60 миллион ер юзи аҳолисининг ёстигини қуритди.

Барча прогрессив, инсонпарвар кучлар инсоният учун ўта ҳавфли бўлган фашистик ғоя ва мағкурага қарши курашди ва уннинг устидан галаба қозонди.

### Ақидапарастлик мағкураси

Соф диний ақидаларга асосланган бўлиб, ҳар қандай илмий-техник ва ижтимоий тараққиёт ғояларини, миллий, замонавий, демократик тамоҳилларни рад этди.

Ислом ақидапарастлик мағкураси дастлаб бир қатор араб мамлакатларида пайдо бўлиб, ислом динига эътиқод қилувчи халиқларга турли усуllар ёрдамида тарқатилди.

Ислом ақидапарастлик мағкураси ҳам мутлақ ҳақиқатни дағво қилиб, ҳар қандай ўзга диний ва дунёвий ғояларни, қарашларни, ижтимоий, миллий қадриятларни, маданиятни рад этди. XX асрнинг 60-йилларида бошлиб бир қатор араб мамлакатларида (М:Миср, Саудия Арабистони, Сурья, Ливия, Жазоир каби) қонли тўқиашувларни келтириб чиқарди. Афғонистон, Тоҷикистонда фуқаролар урушини авж олдириди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг барқарор ижтимоий-сиёсий ҳаётига таҳдид солди. Миллатлар, турли динларга эътиқод қилувчи қинилар ўртасида низолар келтириб чиқаринча уриммоқдалар.

## Иккинчи қисм. Хозирги замонда инсон онги ва қалби учун кураш.

*«Эндилиқда ядро майдонларида эмас, мағкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади». Ислом Каримов* «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-ион.

«Мағкура дунёсида бўшилиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мағкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз».

«Хозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади».

«Тарихдан маълумки, бир ҳалқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. ... зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас».

Бундай мағкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

*«Бунинг йўли - одамларимиз, аввалимбор ёшлиларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир. ... фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мағкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чукур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди».*

*Ислом Каримов. «Фидокор» газетаси. 2000 йил. 8-ион.*

## Бугунги дунёning мафкуравий манзараси

Ҳозирги даврдаги тажовузкор ғоя ва мафкуралар,  
уларнинг инсон онги ва қалбига таъсири

Диний экстремизм. Вахҳобийлик, диний-экстремистик оқими, «Мусулмон биродарлари» ташкилоти, «Хезбут-тахрир», «Хезбуллоҳ», «Ислом озодлик партияси», «Ат-Такfir вал-Хижра», «Жунуд Аллоҳ», «Жиҳод» каби диний-экстремистик руҳдаги оқим ва ташкилотлар фаолияти сиёсийланган диний, тажовузкор ғоя ва мафкураларга асосланган.

Уларнинг асл мақсади: Ислом дини ниқоби остида давлат сиёсий ҳокимиятини өгалландан, ислом минтақасини ягона халифалик байроғи остида бирлаштиришдан, ислом оламини дунёдаги бошқа барча диний эътиқодларга, ижтимоий тузумга, демократик тараққиёт йўлига қарама-қарини кўйинидан иборат. Улар ёшлиар оғини ва қалбини диний муваассиблик ғояси билан заҳарлаб, ўз халқи, миллати, аждодлари, ота-онаси эътиқод қилиб келаётган диний мазҳабига қарини кўймоқдалар. Ўзлари шигари сураётган тажовузкор диний-экстремистик руҳдаги ғоя ва мафкура асосида жамиятни «тубдан янгилаш» зарурлигини ёшлиар оғигига турли усул ва воситалар ёрдамида сингдиришига уринмоқдалар. *«Наманган, Тошкентда содир этилган қонли воқсалардан кейингина бу кучларнинг шияти ҳокимият учун қураш бўлиб, улар дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тӯдаси ошкор бўлди».*

*Ислом Каримов. «Фидокор» газетаси. 2000 йил. 8 июн.*

Шарқона ахлоқ ва миллий қадриятларимизга ёт бўлган ғояларни ўзида ифодалаган фильмлар. Бизнинг шарқона турмуш тарзимизга, ахлоқий нормаларга, миллий қадриятларимизга, тарбияга ёт бўлган чет эл видеофильмларидаги зўравонлик, бераҳмлик, ёвузлик, ахлоқсизлик каби инсон қадр қимматини ерга урувчи ғоялар ҳам, уларнинг мазмун-моҳияти қандай бўлишидан қатъий назар ёнлар онгида салбий асоратлар қолдирмоқда. Ҳали дунёқарани шаклланиб улгурмаган ёшлар уларни ўzlари истаганча қабул қилиб, уларга тақлид қилмоқда ва ўз ҳаётида тадбиқ қилишига уринадилар.

*«Менинг назаримда, деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов, - одамнинг қалбида иккита куч-буёндкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади ... тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ»<sup>1</sup>.*

Юқорида баён қилинган чет эл видеофильмларини мамлакатимизга олиб келиб, уларни намойиш қилинишидан асосий мақсад ҳам, айнан ёшларда вайронкорлик ва ваҳшийлик инстинктларини, хатти-ҳаракатларини қўзғатиб, мафкуравий бузғунчиликни амалга оширишдан иборат.

Кейинги пайтларда муттасил равишда намойиш қилинаётган кўп қисмли ғарб кинофильмлари ҳам бизнинг шарқона маданиятимизга, оиласиий муносабатларга, миллий ахлоқий қадриятларимизга мутлақо зид бўлиб, уларнинг емирилишига олиб келмоқда. Оилада эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Улар, гўёки аста-секин портлайдиган мафкуравий бомба бўлиб, бизнинг маънавий дунёқарашимизни ўзгартиришга қаратилгандир.

<sup>1</sup>. *Ислом Каримов. «Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июн.*

## Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви

«Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиласидан, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди».

*Ислом Каримов*

### Глобаллашувининг ижобий натижалари

XX асрнинг сўнгти ўп йиллиги жаҳон миқёсида илмий-техникавий тараққиёт инсоният ҳаётини, турмушини кескин ўзгаришига сабаб бўлди. Шўролар давлати парчалашганда сўнг, Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритиб, жаҳонга юз тутди. Аввалда мавжуд бўлган чегаравий биқирилсиз барҳам тоғди. Жаҳоннинг илгор давлатлари қўлга киритган замонавий илм-фан ютуқлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг илгор тажрибаси билан танишин имконияти яратилди. Халиқаро хуқуқ нормалари, инсон манфаатларини ҳимоя қилишининг илгор демократик тараққиёт йўлидаги давлатлар тажрибаси ҳаётимизга кириб келди. Телевидение, радио, «Уали алоқа тизими», Интернет, Параболали антенна орқали ахборот узатиш каби илмий техникавий воситалар мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувига олиб келди. Улар орқали замонавий илм-фан ютуқлари билан танишин, уларни ўзлаштиришига қулай имконият яратилди.

### Глобаллашувининг салбий оқибатлари

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ўзининг салбий жиҳатлари, хусусиятларига ҳам эга бўлмоқда. Айниқса, бизнинг шарқона маънавиятимизга, ахлоқий дунёқарашимизга зид бўлган гарб мафкурасининг хилма-хил кўрининилари энг замонавий ахборот узатиш воситалари ёрдамида ҳаётимизга суқилиб кирмоқда. Бундай мафкуравий тазииклар, асосан,, ёнлар оғгини ва қалбини эгаллашга қаратилгаплиги, унинг хатарли тус олаётганлигини яшириб бўлмайди. Бунинг оқибатида ёнлар оғигда миллий қадриятларимизга ёт бўлган бузғуичи моҳиятга эга фоялар, қарашлар шаклланиш ҳавфи туғилди. Диний экстремизм, тероризм, жиноятчиликнинг янгида янги турлари ва бошقا ахлоқизликларни илгари сурувчи фояларнинг тарқатилишини ўзининг салбий оқибатларини келтириб чиқармоқда, 1999 йил 16 феврал воқеаси ҳам шундай мафкуравий тазиик оқибати эди.

«Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларниң ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда».

Ислом Каримов. «Тафаккур» журнали. 1998 й. 2-сон, 5-бет.

### Геосиёсат тушунчаси

Гео-юононча сўз бўлиб, «ер» маъносини англатади. Геосиёсат – муайян сиёсий доиралар, марказлар ва давлатларнинг географик минтақаларни ўз таъсир доирасига бўйсундиришга қаратилган ва олиб борадиган сиёсатидир. Геосиёсат тушунчаси биринчи бор I жаҳон уруши (1914-1918 й) даврида Швед давлатшунос олими Р.Челлен томонидан қўлланилган. Фашистлар Германияси XX асрнинг 30-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб ўзга давлатлар ва халқларни босиб олиш мақсадида геосиёсат юритганлар.

Ҳозирга келиб «геосиёсат» мазмуни ва уни юритиш усули бирмунча ўзгарган. Аввалдагидек, очиқ қуроллик куч ишлатиш усулидан кўра кўпроқ яширин қурол-яроқ савдосини авж олдириш, наркобизнес, мафкуравий тазийқ кўрсатиш воситалари билан геосиёсат олиб борилмоқда.

### Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат

Ер юзида табиий ресурсларнинг чекланганлиги муносабати билан айrim давлатлардаги сиёсий доиралар ўз чегара ҳудуди, бойликлари билан қониқмай, ўзга халқлар яшаётган ҳудудлардаги табиий-моддий бойликларни қўлга киритиш, уларга эга бўлиш мақсадида геосиёсат юритмоқдалар.

Ҳозирга келиб геополитик мақсадлар асосан мафкуравий сиёсат, яширин қурол-яроқ экспорт қилиш усуслари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Маълумки, Марказий Осиёда миллий мустақилликка эришган давлатлар, ҳусусан Ўзбекистон табиий бойликларга кон географик минтақа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёга, айниқса, Ўзбекистонга нисбатан дунёдаги ривожланган давлатларнинг қизиқиши ортиб бормоқда.

Буюк давлатчилик шовинизми, панисломизм, пансоветизм, халифаликни тиклаш каби тояларни тарғиб қилиш орқали ўзларининг гаразли геополитик мақсадларига эришмоқ ниятидадирлар.

### Мафкуравий полигон түшүнчөсү

«Полигон» сүзи – юонча бўлиб, «poly»+ «gonia» – бурчак маъносини англатади. Ҳозирда бу сўз «очик майдон» маъносида кўлланилади. Ҳозирда бир қатор давлатлар, сиёсий, диний ва бошقا туроҳлар, марказлар ўз мақсад ва манбаатларини амалга ошириш учун муайян мафкуранинг таъсир доирасини кенгайтириш, уни ўзга халқлар онгига сингдириш мақсадида турли усул-воситалардан фойдаланиб, мафкуравий хуружга зўр бермоқдалар.

Демак, мафкуравий полигон,- бу муайян ижтимоий худудни англатиб, унда турлича мақсадларни кўзлаган мафкуралар ўз ҳукмронлигига эришин учун ўзаро тўқнашган мафкуравий кураш майдонидир.

*«Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччик ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим».*

Ислом Каримов. «Фидокор» газетаси,  
2000 йил 8-июнь

### Мафкура полигонларининг ядро полигонларидан хавфлироқ эканлиги

XX аср турли мафкураларнинг ўзаро курашига бой аср бўлди. Турли мақсад ва манбаатларни ўзида ифодалаган мафкуралар муайян сиёсий, ижтимоий тузумни, тартиби тоявиж жиҳатдан асослаша ва ўзга мафкуралар устидан ҳукмронликка эришиш мақсадида, одамлар онгини, қалбини эгаллашга қаратилди.

XX асрнинг 70 йили давомида асосан икки қарама-қарши сиёсий мафкура-коммунистик ва Фарб мафкураси ўртасида аёвсиз кураш кетди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида Шўролар империяси парчалангандан сўнг, унинг мафкуравий асослари ҳам емирилди. Коммунистик мафкура ўз мавқенини бутуслай йўқотди. Аммо, бу билан мафкуравий кураш барҳам топгани йўқ. Аксинча, ҳозирга келиб, янада авж олмоқда.

Ҳозирда турли хил сиёсий, диний, сиёсийлашгандиний, миллий мазмундаги мафкуралар ўртасидаги кураш қизигандан қизимоқда. Инсоният учун, турли миллат ва халқлар учун мафкуравий хуруж ўта хавфли бўлиб бормоқда. Чунки унинг исканжасига тушиш дегани, ўз эркинлигидан маҳрум бўлиб, ўзгаларга тобе, қул бўлиш билан баробардир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов: «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга», -деб такрор ва такрор уқтирумокда.

Ислом Каримов «Тафаккур» журнали, 1998, 2-сони

## Жақон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар

«... Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиқ, унинг тальсири ва оқибатларини тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин». *Ислом Каримов*

XX аср охири-XXI аср бошларига келиб жақон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар авж олиб кетди. Бундай уринишлардан кўзланган асосий мақсад, муайян сиёсий кучлар, марказлар ва давлатларниң жақон миқёсида ўз тальсири доирасини кенгайтириш, ўзга калқларни тобе қилиш, уларни бўйсундириш ва моддий бойликларга эга бўлишдан иборатдир. Эндиликда улар очиқ ҳарбий куч ишлатиш усулидан кўра, кўпроқ калқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилмоқдалар. Бундай усулнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, жуда катта маблаглар сарф қилиш орқали ўз гояларини маънавий-мафкуравий бўллар билан кишилар онгига сингдиришга уринмоқдалар. Диний, сиёсийлашган диний, сиёсий, бадиий мазмундаги адабиётларни тарқатиш, видеофильмлар, реклама эълонлари, ўз ваколатхоналарини очиш каби усууллардан фойдаланмоқдалар.

### Асосий йўналишлари

#### Сиёсий

Буюк  
давлатчилик  
шовинизми

пансоветизм

#### Диний

Диний  
экстремизм  
ва  
ақидапарастлик

панисломизм

#### Бадиий

Фарб турмуш  
тарзини  
тарғиб  
қилувчи

Америкача  
турмуш  
тарзини тарғиб  
қилувчи

Зуравонлик, евузлик ва  
бошқа ахлоқизликларни тарғиб қилувчи

# Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар

## Дунёни бўлиб олишга уринаётган мафкураларнинг асосий шакллари

### Буюк давлатчилик мафкураси

Муайян давлат ва миллатни, унинг манфаатларини бошқалардан устун қўядиган, уни мутлақлаштирадиган мафкурадир. Шовинизм – XIX аср бошларида Францияда император Наполеон Бонапарт шахсига сифииишни бошлаб берган унинг офицери Н.Шовен номи билан боғлиқ.

Буюк давлатчилик шовинизми – сиёсий мафкура шакли сифатида ўзга давлатларга, миллатларга нисбатан камситиши, ўз хукмронлигини уларга зўравонлик билан ўтказиш гоясини илгари, суради. Улуғ давлатчилик шовинизми ҳозирда айрим құдратли давлатлар сиёсий доиралари томонидан олиб борилаётган ўзга давлатлар ва миллатлар ички ишларига аралашиб, улар устидан хукмронлик қилиш сиёсатида ўз ифодасини топмоқда.

### Диний экстремистик мафкуралар

Жамият, миллат ва давлат ҳаётини фақат диний ақидалардан келиб чиқиб бошқариш зарурлигини илгари сурувчи мафкуралардир. Улар ҳар қандай дунёвий, демократик тамойилларни, миллий қадриятлар ва урфодатларни тан олмасликка асосланган реакцион мафкуралардир. Уларнинг тарафдорлари қонуний давлат сиёсий ҳокимиятини зўравонлик билан эгаллашга уринадилар ва бу йўлда ҳар қандай усууллардан фойдаланадилар. Ҳозирги вақтда бу мафкуралар жаҳон миқёсида кенг тарқалаётган халқаро терроризмнинг гоявий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ваҳҳобийлик, Ҳезбут-таҳрир каби диний-экстремистик мафкуралар шулар жумласидандир.

### Пансоветизм мафкураси

Шўролар тузуми давридаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва турмуш муносабатларида шаклланган қадриятларни мутлақлаштиришга асосланган. Унинг тарафдорлари Шўролар тузуми, гўёки энг инсонпарвар, адолатли, ҳамма учун қулаги бўлган ижтимоий муносабатлар тизимини шакллантирган эди, - деб, унинг қадриятларини бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти тамойилларидан устун қўйипга уринмоқдалар.

«ССРнинг сояси сабиқ иттилоқ минтақасидан ҳали-бери бутунлай кўтарилган эмас ва буни биз доимо инобатта олинимиз, ҳамиша сергак ва хушёр бўлиб яшшимиз зарур». Ислом Каримов (Иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисining IX сессиясидаги маърузаси. Тоникент, 2002 йил, 4 бет).

### Панисломизм мафкураси

XIX асрнинг охирида Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний-сиёсий оқим мафкураси саналади. Бу мафкура мусулмонларнинг бирлиги, ягона мусулмон давлатига бирлашиш гоясини ўзида мужас-самлаштирган.

«Пан»- юнонча сўз бўлиб, «ҳамма», «ҳамма нарсани ўз ичига олувчи» - маъносини англатади. Панисломизм мафкураси ислом диний эътиқодидан, унинг ақидаларидан бошқа ҳар қандай дунёвий, диний гояларни, тамойилларни рад этади. Ваҳҳобийлик, Ҳезбут-таҳрир каби диний-экстремистик оқимлар панисломизмнинг ҳозирги даврдаги энг реакцион кўрининиши сифатида намоён бўлмоқда.

## Дунёни бўлиб олишга уринаётган мафкураларнинг асосий шакллари

### Фарб турмуш тарзини ифодалаган мафкуралар

Ривожланган гарб давлатлари дунё мамлакатлари ва халқлари устидан ўз таъсири ва ҳукмонлигини кучайтириш мақсадида маънавий-мафкуравий воситалардан кенг фойдаланмоқдалар. Фарбона яшаш тарзи, маданиятини ОАВ ёрдамида, айниқса, Интернет тизими, телевидение, видео, бадиий адабиётлар орқали кенг тарғиб қилмоқдалар. Уларда кўпинча инсон ва унинг қалбини ўз диний эътиқодидан, миллий қадриятларидан, дунёқарасидан, яшаш тарзидан маҳрум этувчи, бизнинг шарқона турмушимизга, анъаналаримизга, ахлоқимизга ёт бўлган ахлоқсизликни, зўравонликни тарғиб этувчи бузгунчи ғоялар ўз ифодасини топган.

### Американа турмуш тарзини ифодалаган мафкуралар

Бу мафкуралар ҳам дунё мамлакатлари ва халқларига ўз таъсирини ошириш ва уларнинг устидан ҳукмонлик қилишини кўзлади. Америкача турмуш тарзи демократиянинг ўзига хос намунаси бўлгани ҳолда, унинг барча жиҳатлари ҳам бизнинг шарқона турмуш тарзимизга мос келавермайди. Бизнинг ҳаётимиз учун ижобий ва салбий аҳамият касб этиши мумкин бўлган томонларини синчковлик билан аниқлаш ўта муҳим ижтимоий-мафкуравий аҳамиятга эгадир.

### Турли диний секталарнинг ғояларини ифодаловчи

Турли диний секталарнинг ғояларини ифодаловчи мафкуралар АУМ Сенрикё (Япония), «Худо болалари», «Севги оиласи» (Фарб мамлакатларида), «Ахлоқий кўнчилик» (Америкада) кенг тарқалган.

## Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар.

### Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муаммо ва вазифалари

«... Барқарорлик ва жуғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина бу минтақа жўшқин ва сабитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади».

*Ислом Каримов*

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида. Т. «Ўзбекистон», 1997 йил.

1991 йили Шўролар давлати парчаланиб, Марказий Осиё республикалари миллий мустақилликка эришгандан сўнг, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ўта муҳим масала бўлиб қолди. Чунки Марказий Осиё минтақасида яшаётган халқлар тинчлигига, хавфсизлигига раҳна солувчи хавфхатарлар, мафкуравий таҳдидлар кучаймоқда.

Ҳозирда, Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистоннинг тинчлик ўёлида олиб бораётган изчил сиёсати тинчлигимизга, барқарор ривожланишимизга қарши қаратилган турли сиёсий ва мафкуравий таҳдидларни бартараф қилингага йўналтирилгандир.

Сиёсий, миллатчи шовинистик, диний экстремистик характердаги мафкуравий таҳдидлар, кўпорувчилик ҳаракатларидан кўзланган мақсад-минтақада сиёсий, мафкуравий вазиятни кескинлаштириш ва сиёсий барқарорликни издан чиқаришдан иборат. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган айrim сиёсий, диний экстремистик ва халқаро террорчилик марказлар асосан ёшларни турли усул ва воситалар ёрдамида ўзларига оғдиришга, уларнинг онгини бузғунчи ғоялар билан заҳарлаб, минтақада кескинликни келтириб чиқаришга уринмоқдалар.

Мафкуравий курапи миллиатимиз келажагини, тақдирини ҳал этади. Бу курапи, қадимги давр ўтмиш аждодларимизнинг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто”да баён қилинган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги олишувдан иборатdir. Бу олишувда, аминмизки, эзгулик, бунёдкор гоя албатта ғалаба қиласи.

«Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар иўн нарсани ҳал қиласди. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим». *Ислом Каримов.*

**Диний  
экстремизм ва  
фундаментализм**

Унинг асосий мақсади ҳокимият учун кураш бўлиб, халқаро террорчиклик ҳаракатининг бир тұдаси.

**Буюк давлатчилик  
шовинизми ва агрессив  
миллатчилик**

Империяча фикрлаш ва хулқ - авторнинг хуружлари. Муайян давлат ва миллатни, унинг маңбаатларини бошқалардан устун қўйиш.

**Наркобизнес**

Бойлик орттириш мақсадида турли наркотик моддаларни четдан олиб келиш, етиштириш ва наркотик моддалар билан ёшлар онгини, ҳаётини заҳарлаш.

**Халқаро  
терроризм**

Турли халқаро террорчилик марказлари маблағи эвазига мавжуд конституцион тузумга қарпи қўпурвчилик, сиёсий арбоблар ҳаётига суиқасд ҳаракатларини олиб борувчи гурухлар.

**Ахлоқсизликни  
тарғиб қилувчи  
ОАТ  
(оммавий ахборот  
тизимлари)**

Жангариликни тарғиб қилувчи, миллий қадриятларимизга, шарқона ахлоқ одобга ёт бўлган Фарб видеофильмлари.

Мафкуравий таҳдидга қарши кураш йўли: «Одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб, гуур ва ифтихор билан яшашига эришишдир».

*Ислом Каримов.* Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман.  
«Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июн.

«Халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёву оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка фарзандларимизнин келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак».

*Ислом Каримов.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 йил. 29-бет.

## Ислом фундаментализмининг таҳди

«Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми ақидапарастликинг таҳди  
нималарда намоён бўлмоқда?»

Ислом Каримов.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари  
ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида. Т. «Ўзбекистон», 1997 йил.

- 1 Мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришида кўринмоқда. Уларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўзизлантиришдан иборатdir.
- 2 Фундаменталистларнинг асоссиз даъватларига кўр-кўрониа эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим.
- 3 Аҳоли ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» дицдорлик белгилари бўйича қарама - қаршилик келтириб чиқаришга уринмоқдалар.
- 4 Ўзбекистоннинг жанубидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Қўшни мамлакатларда (Афғонистон, Тожикистон) террорчилар, жангариларнинг янги янги авлодларини вужудга келтирмоқда.
- 5 Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилик орасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри фикрлар тутдирishiغا уринмоқдалар.
- 6 Одамларнинг диний заминда «цивилизациялар тўқнашувини» кутишга мажбур қилмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда.
- 7 Омма онгода дин барча муаммолар ва зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда.

## Буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик мафкуравий таҳдииди

Тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий хукмронлик учун интилиш деб таърифлаш мумкин. *Ислом Каримов.*

**«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдиид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосидаги тасниф (Т. «Ўзбекистон», 1997 йил).**

- 1 Халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш.
- 2 Халқаро-ҳуқуқий ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш.
- 3 Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш.
- 4 Мафкуравий тазийқ ўtkазиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурлар туғдиришга интилиш.
- 5 Миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш.
- 6 Янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашув, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи.

**Тараққиётнинг ўзбек модели**

Тараққиётнинг ўзбек моделининг мазмуни: ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, янги иқтисодий муносабатларга босқичма-босқич, ижтимоий сакрашлар ва портлашларсиз ўтиб, ўз тараққиётида янги сифат даражасига кўтарилишдан иборатdir.

Бу жараёнда давлатнинг асосий вазифаларидан бири: аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, унинг муҳтоҷ қатламларига доимий ёрдам кўрсатиш; бозорни мафкура таъсиридан озод этиш; хўжалик юритиш ишларига фақат иқтисодий усуслар билан таъсири кўреатиши. «Тараққиётнинг ўзбек модели»-ижтимоий-иктисодий ривожланишда миллий қадриятлар, урф-одатлар, диний эътиқод ва маданият, ҳадқимиз рухияти, унинг минг йиллар давомида саидланиб келаётган маънавий меросни ўз ичига олади.

Ўзбекистон миллий мустақилликни кўлга кириттандан сўнг ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг ўзига хос йўлини, «тараққиётнинг ўзбек модели», деб жаҳон афкор оммаси томонидан тан олинган изчил тараққиёт йўлидан оғишмай бормоқда.

**Тараққиётнинг ўзбек модели Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 5 тамойилни ўз ичига олади.**

**Асосий тамойиллар**

Иқтисодий ислохтлар хеч қачон сиёсатдан орқада қолмаслиги керак, бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур.

Давлат бош ислоҳотчи бўлиши зарур. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпастлар ва консерваторлар қаршилигини бартарап этиши шарт.

Қонун, қонуниларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истиносиз ҳамма хурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиши. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсиричан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг дол зарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқиlobий сакрашлар» сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

## Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи

### Ўзбекистоннинг қулай геосиёсий имкониятлари

Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида. Т. «Ўзбекистон», 1997 йил.

Қадим замонларда Шарқ билан Фарни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон худуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари тутаңган, таниқи алоқалар ҳамда турли маданийлар туташиб бир бирини бойитган.

Бугунги кунда ҳам Европа ва Осиёни боғлайдиган йўллар Ўзбекистондан, унинг ўртасида жойлашган Ўзбекистондан ўтади.

Ўзбекистон Ўзта Осиёнинг транспорт, энергетика, сув тизими марказида жойлашган.

Аҳоли сони, илмий техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақадаги қўшиларидан матълум даражада устун туради.

Ўрта Осиёда географик сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистон ушбу минтақада кучлар писбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларига эга.

Ўзбекистон бууни кунда қўшини давлатлар - Іқоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркменистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи ҳилқати вазифасини ўтамоқда. Мингақи донрасида мақфатли муносабатлар ўрнатили имконияти Ўзбекистон орқали очилади.

Табиий иқлим шароити қулай, улкан минерал — хом-ашё заҳиралари ва стратегик материалларга эга, дәҳқончилик маданияти ривожланган, озиқ-овқат билан ўзини таъминлашига қодир.

Ўзбекистон саноатнинг базавий ва замонавий тармоқларига эга, ўзини нефть, газ, ранги металлар билан таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилиш имкониятига эга.

Юртимизнинг жаҳонга машҳур бой маънавий мероси бор, шу туфайли инсоният цивилизациясида салмоқли ўрин эгаллаб, дунёнинг маънавий ва сиёсий жараёнларига таъсир ўтказиб келган.

## Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи

**Журофий-сиёсий жиҳатдан Ўзбекистонга қийинчиликлар туғдирувчи омиллар.**  
**Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийт кафолатлари» исари асосида. Т. «Ўзбекистон», 1997 йил.**

Ўзбекистон ўзининг журофий - сиёсий ҳолати жиҳатидан колектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган.

Ўзбекистон Форс кўрфази, Каспий дengизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойланган ярим ҳалқанинг стратегик марказида жойлашган. Шу боисдан бу ҳудудда бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида кўнгина давлатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари ўзаро тўқнашмоқда.

Дунёдаги кучли давлатлар мазкур минтақада ўз манфаатларини изламоқда.

Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошига муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қўришаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган ички можаро авж олган Афғонистон каби берқарорлик ўчоғи билан чегарадош.

Сув ресурсларининг чекланганлиги, экологик муаммолар, Орол фожиаси ҳам мамлакатимиз учун ишқулайлик омилидир. Шунингдек, мустамлакачилик даврида юритилган Туркистонни бўлиш, милят ва элатлари устидан ҳукмронлик қилини сиёсатини асоратлари ҳозиргacha ташвишли омил ҳисобланади

Советлар даврида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда коммуникациялар номақбул равишда шакллантирилди. Жанубий йўналишида транспорт коммуникациялари амалда ривож топмади. Ўзбекистон бевосита дengизга чиқа олмайдиган, бунинг устига дengиз баандаргоҳларидан энг узоқда жойлашган мамлакат. Қора дengиз, Болтиқ дengизи, Япон дengизи ва Шимолий дengизларга олиб чиқувчи энг қисқа темир йўли қарийиб 3000 кмни ташкил этади. Бу бир неча давлатлар ҳудудидан ўтадиган олис йўл бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқаларини чегаралайди, юк ташинини қимматлаштириб, маҳсулотларни рақобатбардоилигини камайтиради.

## Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари

«Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг даҳисизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва ҳалқаро ҳуқуқнинг бопқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, ҳалқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфесизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бопқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажralиб чиқиши мумкин».

Ўзбекистон республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992 й., 17-модда.

- 1 Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умумисоний қадриятларга, тинчлик ва хавфесизликни сақлашга содиқлик.
- 2 Давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар даҳисизлигини хурмат қилиш.
- 3 Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.
- 4 Низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш.
- 5 Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қиласлик.
- 6 Ипсон ҳуқуқлари ва эркиниларини хурматлаш.

- 7 Ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги.
- 8 Давлатнинг, ҳалқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфесизлигини таъминлаш, мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажralиб чиқиши.
- 9 Тажовузкор ҳарбий блоклар ва улошмаларга кирмаслик.
- 10 Давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги.
- 11 Ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлапини ҳисобига бониқасидан узоқлашмаслик.

## Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари

“Ўзбекистон-суверен демократик республика” (Ўзбекистон Республикаси конституцияси I-модда).

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизниң барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизниң замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.

*Ислом Каримов.*

Демократия – бош йўлимиз. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси I-сессиясида “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”.

Демократия юончча сўз бўлиб “демос”-халқ, “кратос”-бошқарув, яъни мамлакатни кўпчилик халқ вакиллари томонидан бошқариши, халқ ҳокимияти маъносини англатади. “..Демократия-фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир..”<sup>1</sup>.

*Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўғасида: хавфзиликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 185-бет*

### Демократик тамойилларнинг мамлакатимизда амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари

Шарқда демократик жараёнлар аста секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар гоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади.

Тубдан янгиланиш даврида анъаналарга таяниб иш тутиш, улардан янги ўзгаришларга мос ҳолда оқилона фойдаланиш ислоҳотларнинг изчил ва сабитқадамлик билан амалга ошишига ҳамда жамият барқарорлигига хизмат қиласди.

Жамиятни демократлаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савиаси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига борғиқ. Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тадбиқ қилишини ҳамда уларни ҳимоялаш зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англомоги даркор.

Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятиниг ўзига хос жихатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак.

Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шакланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизниң қонунни ҳурмат қилиш, қонунига итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур.

## Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари (давоми)

“Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмокдамиз. Бунинг маъноси-давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқقا топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтириш бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир.”

*Ислом Каримов.*

1. Жамиятда сиёсий, миллатлараро, ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи самарали тизимга асосланган қонуилар тизимини шакллантириш. Одамлар ўртасида музандорлик жихатидан тафовутнинг кучайиб бориш тенденцияси жамиятимиз учун ташвишили аломат бўлиб турмоғи керак. Бу тенденциянинг олдини олиш учун тегишли тарзда ҳаракат қиласиган механизмини шакллантириш.

2. Барча бўғишдаги давлат идоралари фаолиятининг хуқуқий асоси бўлиб хизмат қиласиган қонуилар тизимини барпо этиш. Бу тизим, бир томондан, марказий, иккинчи томондан эса вилоят, шаҳар ва туманлар даражасидаги давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув идораларининг вазифаларини аниқ белгилаб бериши, уларнинг ишини мувофиқлантириб туриши керак. У бошқарув вазифаларини асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар туманилардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлани даркор.

3. Иктисолий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар муваффақиятли, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлани дараҷасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боелиқ.

4. Хуқуқ органлари фаолиятининг қонуний негизини мустаҳкамланимиз зарур. Бизнинг жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўн қиррали воситасига айланнини зарур.

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафака ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жинсиятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабхалари ана шу заминга таяниши зарур. ”

*Ислом Каримов.*

5. Фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришида қатишувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарур. Бугунги кунда жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюнмалар ҳуқуқини оширадиган, уларнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрни ва аҳамиятини белгилаб берадиган, давлат инсларига таъсирини кучайтирадиган бутун бир қонунлар тизимини яратиш.

6. Бозор муносабатлари шароитида давлатнииг бош вазифаси иқтисодий, инплаб чиқарини, ижтимоий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўз маромида ишланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Қонунчилик соҳасида асосий эътибор бошқарув органдари фаолиятини аниқ белгилаб қўйини, зўравонлик ва ўзбошимчаликка барҳам беришга қартилмоғи зарур.

7. Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг нировард мақсади юргимизда яшайдиган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатdir. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллый уйғонини ғоясини рӯёбга чиқарарадиган янги авлодни вояга етказиши давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиягини, табиат ато этган иқтидори ва истеъдодини тўла намоён этишини учун адабиёт, санъат ва умуман эркин ижодий фаолият ривожи учун зарур шароитларни яратишимиш лозим .

8. Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуqlarini ҳимоя қилиши ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган хисобланади. Хусусан, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор.

## Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият қурилишининг асосий йўналишлари

«Биз фарандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий – ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соглом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмогимиз зарур».

*Ислом Каримов.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий маъжлисining ўн тўртичини сессиясидаги маърузаси 1999-йил 14 апрель "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда".

Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

Халиқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш.

Жамият маънавиятини янада юксалтириш.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш.

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини ва ҳудудий яҳлитлигини таъминлантиш.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришиларни таъминлантиш.

**Момлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва  
жамият қурилишини янада эркинлаштириш**

1. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш. Бунда асосан қуйидаги мухим устувор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади: демократик институтларни шакллантириш; аҳолининг сиёсий фаолигини кучайтириш ва сиёсий маданиятни ошириш; жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш; сайловларни янада демократлаштириш; жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштириш; сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш; оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш.

2. Жамият иқтисодий ҳаётини янада эркинлаштириш. Бунда: хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ҳаракатлари эркинлигини кенгайтириш; тадбиркорликни эркин қўйиш; рақобат мухитини яратиш; мулкдорлар синфини шакллантириш; мулкчилик шаклларини ривожлантириш; қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг асосий турлари-қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер ва дехқон хўжаликларини самарали ривожлантириш; иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнеснинг муносиб ўрин эгаллашига эришин; иқтисодиётни демонополлаштириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш; ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта сиёсатини эркинлаштириш; ички истеъмол бозори тузилмасида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот улушкини кескин ошириш.

3. Давлат қурилишини эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш. Бунда: ҳокимият тақсимланиши тамойилини амалда қўллаш; давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўtkazish ва уларнинг ҳуқуқларини мухофаза этиш; аксили марказлаштириш, яъни марказий ҳокимият идоралари ваколатларининг қўйи идораларга берилишини амалга ошириш.

## Жамият маънавиятини янада юксалтириш

1. Эркин фуқаро, озод шахс маънавиятини шакллантиришда умуминсоний қадриятлар ва миллий ўзига хосликнинг уйғулигици таъминлаш. Жамият ҳәётини эркинлаштириш жараёнida ҳар бир фуқаро чинакамига фуқаролик бурчини англаши, курашчан ва фаол бўлиши лозим.

Бунда ҳар бир фуқаро: ўз ҳақ-хуқуқини танидиган, бунинг учун курашадиган; ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ўз имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрадиган; атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустакил муносабат билдира оладиган; шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритадиган бўлиши лозим.

Шахс эркинлиги-эркин тафаккурга, эътиқод эркинлигига эга бўлиш ва эркин ижтимоий фаолият юритиш демакдир.

Жамият маънавиятини янада юксалтиришда Президентимиз И.А.Каримов эркин фуқаро, озод шахсни тарбиялаб етиштириш мухим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб кўрсатди. Эркин фуқаро, озод шахс деганда, Президентимиз: *а) эски тоталитар мафкурадан халос бўлган; б) қуллик, мутеликни тан олмайдиган; в) ижтимоий зулмдан озод; г) ҳақ-хуқуқини таниган; д) ўз кучи ва имкониятларига ишонган; е) ўз фикри-қарашига эга бўлиб, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни холисона таҳлил қила оладиган; ж) шайтоний ҳирсу ҳаваслардан халос бўлган салоҳиятли, фидокор, эзгу ниятли шахсни, фуқароларни тушунмоқ лозим, деб англатди.*

2. Маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини таъминлашда аждодларимиз маънавий мероси, халқимиз руҳида яшаб келаётган илгор анъаналарга таяниш. Бу соҳаларда чукур ислоҳотларни амалга ошириш ва уларни бозор муносабатлари амал қилаётган шароитда ривожлантириб бориш давлатимиз, жамиятимиз истиқболининг устувор йўналиши бўлмиш маънавиятни янада юксалтиришда мухим аҳамиятга эга.

## Юқори малакали кадрлар тайёрлайти

1997 йил 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида” Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Бу муҳим давлат ҳужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ички механизмини асослаб, уни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосини ташкил қиласиди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириб бориш орқали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган шахс-юқори малакали кадрлар етиштирилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалта оширилиши орқали фуқароларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири - билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, эгаллаган қасби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади. Миллий дастурнинг амал қилиши билан инсон қобилиятларини очиш ва унинг таълим-тарбия соҳасига тааллуқли турли хил эҳтиёжларини қондириш рўёбга чиқарилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш миллий ва умумбашарий қадриятларни тиклашга йўналтирилган бўлиб, бу ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга хизмат қиласиди.

Узлуксиз таълимни рўвожлантириш миллий дастурда белгиланган асосий вазифалардан бири бўлиб, у: умумий ўрта таълим (9 йиллик), ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълимни (3 йиллик академик лицейлар ва қасб-ҳунар колледжлари) ва олий таълимни ўз ичига олади.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини янада инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократлаштириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириб бориш кўзда тутилган.

**Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши,  
аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш.**

Мамлакатимизда барпо этилаётган янги жамиятнинг устувор йўналиши инсон манфаатларини ифодалаб, унинг етакчи тамойили ҳисобланган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборат ва у қуйидагиларни ўз ичига олади: -мехнат қилиш фаровонлик манбаи эканлигини тушунтиришнинг кучли механизмини жорий этиш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш учун тегишли шароит яратиш; -аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг мақсадли ва аниқ йўналтирилган характердаги дастурга эга бўлиш, аҳоли турли ижтимоий қатламларига табақалаштирилган ҳолда ёндашувни йўлга қўйиш; -аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган қатламларининг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишини кафолатлаш; -таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш; -жамиятнинг интеллектуал ва маънавий куч қудратини мустаҳкамлаш.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида Ўзбекистон ҳукумати халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсишига, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида ва жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Ҳозирги шароитда бу соҳада аҳоли даромадларини муттасил равишда ўстириб бориш; меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини рационал таъминлаш бўйича фаол сиёсат юритиш; аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги тизимини мустаҳкамлаш, унинг мақсадли йўналишини кучайтириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

### Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш

Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгариши-бу миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга, аҳоли фаровошлигининг ошиб боришига олиб келувчи янгича ишлаб чиқариш тузилмасини билдиради. Бу иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим стратегик вазифасидир. Таркибий ўзгаришлардан қўзланган аниқ мақсадлар қўйидағилардан иборат: иқтисодиётнинг хом ашё етиширишдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш; истеъмолга тайёр, яъни тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш; импорт ўрнини боса оладиган товарларни иложи борича мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни чеклаш; маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш; ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига устуворлик берib, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш; меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, янги технологияларга ўтиш, халқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги соҳаларни барпо этиш; ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳисобидан миљий бозорни тўлдириш орқали халқ истеъмоли молларининг муҳим турларига бўлган аҳоли талабларини тўлароқ қондириш. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида бутун иқтисод таянчи бўлган ўзак тармоқларни (нефть, нефть маҳсулотлари ва бошқа энергия ресурслари, табиий газ, кўмир ишлаб чиқариш, тоғ-металлургия комплекси, кимё, машинасозлик саноатлари) ривожлантириш иқтисодиётни юксалтиришнинг муҳим йўналишлари саналади. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш илм талаб тармоқларни устун даражада ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади. Президент И.А.Каримов “... мамлакатимизнинг бой илмий-техникавий салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, юксак технология ва фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқариш соҳалари-автомобилсозлик, самолётсозлик, микробиология ва замонавий ахборот технология воситаларини тез суръатларда ривожлантириш”-лозимлигини таъкидлади.

Аграр соҳада ҳам чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳам мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг асосий ва муҳим бўлган йўналишидир. Бозор инфратузилмасини шакллантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида, ноишлаб чиқариш соҳасида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уларни ҳудудлар ўртасида мавжуд бўлган иқтисодий алоқалар асосида мувофиқлаштириб бориш кўзда тутилмоқда.

**Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлисиалигини ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш**

Жамиятда барқарорлик ва тинчликни таъминлаш борасида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг асосий тамойиллари қўйидагича: бошига давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш; дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш; барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш. Қуролли Кучларни, чегара ва ички қўшинларни давлат сиёсатига мос равишда такомиллантириш ва чуқур, босқичма-босқич ислоҳ қилиш иши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари хисобланади. “Юксак талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир, тезкор, етарли даражада таъминланган ва яхши қуролланган, профессионал тайёргарликка эга бўлган Қуролли Кучларимизни шакллантиришимиз даркор”. Давлат чегараларимизни янада мустаҳкамлаш ва унга тегишли иншоотларни барпо этиш. Хавфсизликнинг бўлинмас ва яхлитлиги ҳақидаги бош принципга таяниб, террорчиликка қарши кураш бўйича ҳалқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

*“Ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш.*

*Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини-ўзи бошқарини органлари, биринчи галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш”.*

*“Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асрарш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш”.*

*И.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт нировард мақсадимиз”  
Тошкент.”Ўзбекистон” пашриёти, 2000 й.*

## Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият қурилишининг асосий йўналишлари

### Ўзбекистонда демократик ўзғаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маърузаси бўйича)

1

Ватанимизнинг Мустақиллигини асраб - авайланӣ, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамланӣ.

2

Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, сарҳадларимиз даҳдизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойинтиалигини таъминланӣ.

3

